2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 72 (861), 2023 йил 14 апрель, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ДАЛА ЧЕТЛАРИДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев дала четларида маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг устувор вазифаларини белгилаб берди.**

Бу ҳақда жорий йил 23 март куни қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича бўлиб ўтган йиғилишда топшириқ берилган эди. Шундан сўнг Кадастр агентлиги томонидан ўтказилган хатловда 60 минг гектарга яқин дала четларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани аниқланди. Ҳисоб-китобларга кўра, бу майдонлардан унумли фойдаланиш орқали 337 минг тонна қўшимча маҳсулот олиш имконияти бор.

Тақдимотда қайд этилганидек, бу ишларни Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги ташкил этади. Бунинг учун агрономлар мавсумий ишга қабул қилинади. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Агентликка бириктирилади.

Дала четларида деҳқончилик қилиш учун уруғ, кўчат, ўғит ва сув таъминоти мақсадларига 100 миллиард сўм йўналтирилади.

Етиштирилган маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳам муҳим. Шу боис, қуритиш ва совитиш ускуналарини харид қилишга 50 миллиард сўм ажратилади.

Дала четидаги зовур ва сув бўйларида 600 минг бош паранда боқиш ҳамда қарийб 300 мингта асалари уяси жойлаштириш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳозирда фермер хўжаликлари томонидан ер майдонлари иккиламчи ижарага фақат 1 йилгача берилади. Ток, тут, терак каби дарахтлар кўп йилда етилишини ҳисобга олиб, бу муддат 10 йилгача этиб белгиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу чора-тадбирларни маъқуллаб, унинг ижросини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА**

### БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI 2023

## ИЖТИМОИЙ АХЛОҚ – ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТ ОРЗУСИ





**Бугун жаҳонда мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви жуда катта тезлик билан кучайиб бормоқда. Бу жараён, ўз навбатида, одамларга ғоявий ва маънавий таъсир ўтказиш имкониятларини ҳаддан ташқари кенгайтириб юборди. Ер юзининг барча минтақаларида мафкуравий кураш аллақачон умумбашарий миқёс касб этган. Энди дунёнинг бирор-бир ҳудуди бундай зиддиятли ҳолатдан қутила олиши қийинга ўхшайди.**

Дарҳақиқат, ҳозирги инсон онги, ҳиссиётлари учун кураш тобора кучайиб бораётган бир пайтда маънавий, мафкуравий, ғоявий таҳдид ва хуружлар жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётига таъсир ўтказишнинг кучли қуроли, хавф-хатарлар манбаига айланиб қолмоқда. Мазкур муаммонинг ўта жиддий эканига эътибор қаратган ҳолда, Президентимиз "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси" китобида шундай ёзади: **"Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало, ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида муттасил ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур. Ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг таҳлили, афсуски, улар аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётганини кўрсатмоқда".**

Давоми 3-бетда

### "МЕНИНГ БИРИНЧИ УЙИМ"

## УЙ ОЛИШ муаммодан имкониятга айланмоқда





**Қурилиш бўлаётган жойдан ўта туриб, одамнинг кўнглидан бошқача ҳислар ўтади: бунёдкорлик ишлари кўлами қанча кенгайиб, юртимиз обод бўлгани сари беихтиёр бундан қувонамиз. Айниқса, аҳоли учун арзон уй-жойлар қурилаётганини кўрганимизда, шу жойлар бошпанасиз одамларга насиб қилсин, яхши кунларига буюрсин, деб хаёлдан ўтказамиз.**

Давоми 4-бетда

## МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ КУН ТАРТИБИ МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

**14 апрель куни Самарқандда МДҲга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлайдиган асосий ижроия орган — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг (МДҲ ТИВК) йиғилиши бўлиб ўтади.**

Тадбирда Озарбайжон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Халаф Халафов, Арманистон ташқи ишлар вазири Арарат Мирзоян, Беларус ташқи ишлар вазири Сергей Алейник, Қозоғистон Бош вазирининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Мурат Нуртлеу, Қирғизистон ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаев, Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Тожикистон ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин, Туркманистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Вепа Ходжиев, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Бахтиёр Саидов, шунингдек, МДҲ Бош котиби Сергей Лебедев қатнашади.

Иштирокчилар МДҲ форматидаги ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари ва халқаро кун тартибини муҳокама қиладилар.

МДҲ ташкил топганидан буён Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, иқтисодий алоқаларни тенг ва ўзаро манфаатли асосда мустаҳкамлаш тарафдори бўлиб келмоқда.

Ҳамдўстлик доирасида Ўзбекистон мақсадларга ҳамда миллий манфаатларга жавоб берадиган ва ўзбек томони учун амалий қизиқиш уйғотадиган устав (Давлат раҳбарлари, ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ва Иқтисодий кенгашлар, Парламентлараро ассамблея) ва тармоқ тузилмалари (Мудофаа, Ички ишлар вазирлари, Бош прокурорлар, махсус хизматлар, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт органлари, божхона, солиқ хизматлари, темир йўл бошқармалари, статистика хизматлари, агросаноат комплекси раҳбарлари кенгашлари ва бошқалар) фаолиятида фаол иштирок этмоқда.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ҳамдўстлик фаолиятидаги иштирокини сезиларли даражада оширди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017-2022 йилларда Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисларидаги иштироки якунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар ва Ўзбекистон томонидан илгари сурилган 100 дан ортиқ ташаббуснинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга қаратилган "Йўл хариталари" қабул қилинди.

Давоми 2-бетда

### МУНОСАБАТ

## ЗИММАМИЗДАГИ ЭНГ КАТТА МАСЪУЛИЯТ



**Давлатимиз раҳбари раислигида ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган навбатдаги видеоселектор йиғилишида кўплаб масалалар тилга олинди. Мавжуд камчиликлар билан бир қаторда эришилган ютуқлар ҳақида ҳам сўз борди.**

Мисол учун, ўтган йилнинг ўзида ёшлар тадбиркорлиги учун 4 триллион сўм кредит эвазига 150 мингта лойиҳа ишга туширилгани, 325 мингта иш ўрни яратилгани қайд этилди. Шунингдек, 43 минг гектар экин майдони ажратилиб, 435 минг ёшнинг бандлиги таъминлангани, 32 мингдан зиёд йигит-қизга субсидия орқали зарур ускуна, меҳнат қуроллари ва компьютер олиб берилгани таъкидланди. Бу каби амалий ишлар, энг аввало, ёшларни руҳлантиради. Улар ёлғиз эмаслигини, ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини эслатиб туради.

Давоми 2-бетда

## АФҒОНИСТОНГА ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИДА САМАРҚАНД ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

**13 апрель куни Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон томони раислигида Афғонистонга қўшни давлатлар вазирларининг тўртинчи учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон, Эрон, Покистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон ва Хитой ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари иштирок этди.**

Форум давомида томонлар Афғонистондаги мавжуд вазият, ушбу мамлакатнинг амалдаги расмийлари томонидан жаҳон ҳамжамиятининг инклюзив ҳукумат яратиш, афғонистонлик аёлларнинг меҳнат ва таълим олиш имкониятини ҳамда миллий озчиликнинг ҳуқуқларини таъминлаш каби асосий талабларининг бажарилиши муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ КУН ТАРТИБИ МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

Бошланиши 1-бетда

2020 йилда Ўзбекистон МДҲга раислик қилди ва COVID-19 пандемияси чекловларига қарамасдан 50 дан ортиқ тадбир, жумладан, Давлат раҳбарлари кенгаши, Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Иқтисодий кенгаш ва бошқалар онлайн шаклда муваффақиятли ўтказилди. Йил давомида Ўзбекистон БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги турли тадбирларда МДҲ раиси сифатида иштирок этди. 2020 йил ноябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг "БМТ ва МДҲ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида"ги резолюциясини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди ва таъминланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ҳамдўстлик саммитлари доирасида илгари сурилган ташаббуслар пандемиядан кейин иқтисодиётни тезроқ тиклаш, савдо ва ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, "яшил" ва соддалаштирилган йўлаклар амалиётини кенг жорий этиш, ўзаро электрон тижоратни ривожлантириш бўйича ягона платформа, самарали ҳудудлараро ва трансконтинентал транспорт йўлаклари тизимини ишга тушириш, қўшма инновацион дастурларни фаол илгари суриш ва стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, МДҲ Иқтисодий кенгаши фаолиятини кучайтириш, иқлимга қарши курашиш экологик кун тартибини ўзгартириш ва илгари суриш, биохавфсизликни таъминлаш, меҳнат бозорини яхшилаш, ўзаро сайёҳлар оқимини тиклаш ва маданий-гуманитар алмашувни кенгайтириш, терроризм ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашда ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган эди.

14 апрель куни Самарқандда ўтадиган МДҲ ТИВК мажлиси ўзаро савдо ҳажмини ошириш, транспорт ва инвестиция соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик, саноат кооперацияси, электрон тижорат ва бошқа соҳаларда МДҲ салоҳиятини янада ошириш бўйича олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш йўлидаги навбатдаги қадам бўлиши кутилмоқда. Бу МДҲга аъзо барча давлатларнинг узоқ муддатли манфаатларига жавоб беради, албатта.

**"Дунё" АА**

# АФҒОНИСТОНГА ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИДА САМАРҚАНД ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Афғонистон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш ва мамлакат миллий иқтисодиётини тиклашга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлар механизмини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Халқаро терроризм, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва уларнинг контрабандасига қарши курашда Афғонистонга қўшни давлатларнинг чора-тадбирларини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақавий ўзаро боғлиқликнинг асосий омили сифатида Афғонистон салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш муҳимлиги қайд этилди.

Шу нуқтаи назардан, томонлар Афғонистон ҳудудида қўшни давлатлар иштирокида нафақат янги иш ўринлари яратиш, балки бу мамлакатнинг минтақавий иқтисодий жараёнларга янада фаол интеграциялашувга хизмат қилувчи инфратузилма ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш тарафдори эканликларини билдирдилар.

Афғонистонга қўшни давлатлар вазирлари учрашуви якунлари бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Форум тадбирлари доирасида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Бахтиёр Саидов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Покистон ташқи ишлар давлат вазири Ҳина Раббоний, Эрон ташқи ишлар вазири Ҳусайн Амир Абдуллаҳиён билан учрашувлар ўтказди.

Шунингдек, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги етакчиси, 14 апрель куни ўтказиладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Самарқандга келган Беларус Республикаси ташқи ишлар вазири Сергей Алейник, МДҲ Бош котиби Сергей Лебедев билан учрашди.

Мулоқотлар чоғида давлатлар ўртасидаги икки ва кўп томонлама, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири**

МУНОСАБАТ

# ЗИММАМИЗДАГИ ЭНГ КАТТА МАСЪУЛИЯТ

**Хайрулла САТТОРОВ,**
**"Ёшлар — келажагимиз" жамғармаси ижрочи директори**

Бошланиши 1-бетда

Ёшлар масаласи эътибор марказидан ўрин олгани, давлатимиз раҳбари бу масалага қайта-қайта тўхталаётганининг сабаблари бир талай. Аввалламбор, аҳолининг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган ёшлар йирик қатлам, катта куч. Куч-қувватга тўла, ғайратли бўлгани учун улар бошқа гуруҳларга нисбатан фаол ва мослашувчан. Навқирон авлод вакиллари янгиликларга очиқ бўлгани боис, инноваторлиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб туради. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этадиган ёшлар ўз мақомини оширишдан, янги ижтимоий вазифаларни ўзлаштиришдан манфаатдор. Энг асосийси, улар жамиятнинг бир бўлаги, унинг муҳим таркибий қисмидир. Шунинг учун ёшлар муаммоларига бутун жамиятнинг муаммоси сифатида қараш лозим.

Энг катта эътибор эса ёшларга замонавий билим ва касб-ҳунар ўргатиш, бизнесдаги таваккалчилик ва хатарларни тушунтириш, уларни маънавиятли этиб тарбиялашга қаратилмоқда. Чунки айнан замонавий билимлардан бохабар, касб-корга эга, маънавиятли йигит-қизларгина фаровон турмушини қура олади, жамиятда ўрнини топишга муваффақ бўлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ва ёшларнинг интилишини қўллаб-қувватлашни мақсад қилган ташкилотимиз ҳам ушбу видеоселектор йиғилишидан сўнг бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиради. Хусусан, "e-kasb" онлайн платформаси орқали ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, йирик ишлаб чиқариш корхоналарига бизнес саёҳатлар уюштириш ҳамда тадбиркорликка оид билимини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этиш, ёш ишбилармонларнинг халқаро бизнес форум ва ярмаркалардаги иштирокини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Ёш тадбиркорлар маҳсулотларининг кўргазма-савдо ярмаркаларини ташкил этиш, уларга ҳуқуқий, бухгалтерия, маркетинг, брендинг, банк, суғурта, меҳнат ва бошқа соҳалар бўйича консалтинг хизматлар кўрсатиш, имтиёзли кредит ажратилишига, бизнес лойиҳаларини оилавий тадбиркорлик дастурларини молиялаштиришга кўмаклашиш, ҳар бир маҳаллада етакчи ишбилармонлар жамоасини шакллантириш орқали қарийб 800 минг ёшни қамраб олишни режалаштирдик.

> **Тўғри, юксак марраларни забт этишни мақсад қилаётган юртимиз учун бу рақамлар жуда кичик. Аммо "Ҳаракатда — баракот" деганларидек, рақамлар яна ошиб бораверади. Бундан ташқари, бугун ҳар бир масъул идора раҳбари вазифаларининг энг аввалига ёшлар билан иш олиб боришни қайд этиб қўйган. Чунки замон талаби шундай. Ҳокимлар, ҳар бир идора раҳбари ёшлар билан мулоқотлар ўтказмоқда. Бундай мулоқотларда эса уларнинг жуда кўп муаммоси қисқа муддатда ечим топмоқда. Зотан, бир йигит ёки қизнинг ҳаётига оид муаммонинг ижобий ечимини топиш келажакда бир оиланинг фаровонлиги ва мустаҳкамлигига қўйилган пойдевор бўлади. Ташкилотимиз томонидан бу борада ҳам амалий ишлар режалаштирилиб, хусусан, етакчи тадбиркорлар томонидан шогирд тайёрлаш амалиётини жорий этиш мақсад қилинди.**



Дарҳақиқат, ёшлар мамлакатнинг чинакам олтин фонди экани бугун янгиланиб бораётган Ўзбекистонда тобора ўз аксини топмоқда. Президентимиз томонидан видеоселектор йиғилишида баён қилинган, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар, вазифалар зиммамизга катта масъулият юклайди. Барча бўғинлардаги тузилмаларимиз, фаолларимиз бир ёқадан бош чиқариб, белгиланган вазифалар ижроси таъминланишига кўмаклашиши лозим.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ




> **ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИДА КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТДАН ЎЗГАРИШЛАР КЎП ЭКАНИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ. ЖУМЛАДАН, АМАЛДАГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗДАГИ "ДАВЛАТ — ЖАМИЯТ — ИНСОН" ТАМОЙИЛИ "ИНСОН — ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ" КЎРИНИШИГА ЎЗГАРМОҚДА. ҚОЛАВЕРСА, ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ЭКАНИ КОНСТИТУЦИЯДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ СОҲАСИДА ҲАМ СЕЗИЛАРЛИ ЎЗГАРИШДАН ДАРАК БЕРАДИ.**

# Ҳукумат ва партиялар: ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**Жаҳонгир САФАРОВ,**
**юридик фанлар доктори, профессор**

Давлат бошқарувида сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш ҳамда давлат ва жамият ишларида фуқаролар иштирокини кенгайтириш орқали халқ ҳокимиятчилигини ҳар томонлама қарор топтириш Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги ислоҳотларда муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида ҳукуматни шакллантириш тартибини янада демократлаштириш бўйича муҳим янгиликлар киритилгани давлат бошқарувини модернизациялаш ва янада халқчил бўлишини таъминлашга хизмат қилади, десак хато бўлмайди.

Аввалламбор, амалдаги тартибга кўра, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш фақат Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп овоз олган партия ёки партиялар иродасига боғланган. Яъни сайловда қатнашган ва Қонунчилик палатасидан ўрин олган бошқа сиёсий партияларнинг ўз сайловолди дастурларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиқишдаги иштироки чекланган эди. Бу эса ҳукумат ва Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар ўртасидаги алоқадорлик, ҳамкорлик ва мулоқот узилиб қолишига, парламент ва ижро этувчи ҳокимият муносабатлари фақатгина ҳукмрон сиёсий партия манфаатлари билан чекланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2019 йилда бўлиб ўтган сайловда асосий электорати ўрта синф вакиллари, тадбиркор, ишбилармон ва фермерлардан иборат бўлган ЎзЛиДеП партияси ғолиб чиқди ва Бош вазир лавозимига номзод бўйича таклиф киритиш юзасидан мутлақ ҳуқуқни қўлга киритди.

Ваҳоланки, халқимизнинг бошқа қатламлари, масалан, зиёлилар, маданият, санъат, ахборот, спорт соҳалари ходимлари ва ҳунармандлар манфаатини ифодаловчи Миллий тикланиш демократик партияси, педагоглар, шифокорлар, муҳандис-техник, илм-фан вакиллари, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларидан иборат "Адолат" социал-демократик партияси, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли, ижтимоий соҳа ва бюджет ташкилотлари вакилларини ўзида бирлаштирган Халқ демократик партияси ёхуд экологик ташкилотлар ходимлари, экология муаммосига лоқайд бўлмаган фаол фуқаролар манфаатини ифодаловчи Экологик партия ушбу жараёндан мутлақо узилиб қолгани адолатдан эмас, албатта.

> **Янги таҳрирдаги Конституцияда бу борадаги қоидалар янада демократлаштирилмоқда. Хусусан, таклиф этилаётган тартибда барча сиёсий партиялар фракцияларининг нафақат Бош вазир номзодини кўриб чиқиш, балки бутун ҳукуматни шакллантиришдаги иштироки таъминланади.**

Унга кўра, Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг қуйи палатага кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун киритилади.

Шу билан бирга, яна бир масалага ҳам эътибор қаратиш керак. Бош вазир лавозимига номзод сайловда ғолиб чиққан партия томонидан тақдим этилиши амалиёти парламентар бошқарув шаклидаги мамлакатлар учун хос. Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, аксарият президентлик-парламентар бошқарув шаклидаги давлатлар тажрибасида айнан янги таҳрирдаги Конституцияда таклиф этилаётган тартиб амал қилади.

Масалан, қўшни Қозоғистонда Президент Мажлисдаги (қуйи палата) барча сиёсий партиялар фракциялари билан муҳокамалардан сўнг кўриб чиқиш ва розилик бериш учун Бош вазир лавозимига номзодни киритади. Молдовада ҳам Президент Бош вазир лавозимига номзодни парламент фракциялари билан эшитувлардан кейин тақдим этади.

Шу билан бирга, кўп давлатларда ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш механизми назарда тутилмаган. Масалан, Россия Федерациясида ҳукумат раиси лавозимига номзодни Давлат думаси (қуйи палата) тасдиқлагандан сўнг Президент тайинлайди. Беларусда Бош вазир лавозимига номзод Президент томонидан Вакиллар палатаси (қуйи палата) розилигига асосан тайинланади. Озарбайжонда ҳам Бош вазир Президент томонидан Миллий Мажлис розилиги билан лавозимига тайинланади. Литва, Франция, Чехияда шунга ўхшаш қоида бор.

Янги таҳрирдаги Конституцияда Бош вазир лавозимига таклиф этилаётган номзодни киритиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби қуйидагиларга хизмат қилади:

**биринчидан,** барча сиёсий партиялар фракцияларининг Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва ҳукуматни шакллантиришдаги иштирокини таъминлаш орқали давлат бошқарувини янада демократлаштиради ҳамда сиёсий партиялар фаоллигини оширади;

**иккинчидан,** парламент назоратининг муҳим шакли бўлиб хизмат қилади, ҳукуматни шакллантириш, унинг фаолиятини назорат қилишда янада мувозанатлашган ёндашувни қўллаш имконини беради;

**учинчидан,** ижро этувчи ҳокимият тизимини шакллантириш ва самарали фаолиятини таъминлашда давлат раҳбарининг конституциявий имкониятларини кенгайтиради, ҳукуматнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун масъулиятини оширади;

**тўртинчидан,** Бош вазир лавозимига номзодни сайловда ғолиб чиққан партия томонидан тақдим этиш амалиётида партиялараро ихтилофлар туфайли ҳокимият коллапси вужудга келиш эҳтимолини бартараф этади;

**бешинчидан,** ҳокимиятлар тақсимланиши, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш принципини амалга оширишнинг янада аниқ ва самарали механизмини белгилаб беради.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги Конституциямиз халқ ҳокимиятчилигини янада мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий асос бўлиб, "Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат" тамойили ҳаётда ўз ифодасини топишига хизмат қилади.

НУҚТАИ НАЗАР

# МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ МИҚДОРИ

## ИНСОННИНГ МУНОСИБ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ТАЪМИНЛАШИ ЗАРУР

**Абдулкарим ЗОКИРОВ,**
**Адлия вазирлиги Инсон ресурслари бошқармаси катта маслаҳатчиси**

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида концептуал жиҳатдан ўзгаришлар кўп экани алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, амалдаги Конституциямиздаги "давлат — жамият — инсон" тамойили "инсон — жамият — давлат" кўринишига ўзгармоқда. Қолаверса, Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат экани Конституцияда мустаҳкамланиши фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришдан дарак беради.

Хусусан, конституциявий қонун лойиҳасининг 42-моддасида ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга экани ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши нормаси киритилмоқда.

Ушбу норманинг алоҳида аҳамият касб этувчи жиҳати шундаки, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори айнан инсоннинг нормал турмуш шароитини таъминлашга етарли даражада белгиланиши одиллик ва тенглик тамойилига мос ҳисобланади. Қолаверса, мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслиги юзасидан "суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланиши" нормаси киритилмоқда.

Меҳнат қонунчилигида дам олиш ҳуқуқи алоҳида аҳамиятли саналади. Албатта, ҳар қандай одам, унинг мавқеи, юриш-туриши, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, бажарилган меҳнати ортидан дам олиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Ушбу ҳуқуқни ўзида мужассам қилган норма конституциявий қонун лойиҳасининг 45-моддасида мустаҳкамланган.

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани янги таҳрирдаги Конституциямизда ўз аксини топмоқда. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи қоидалар янада такомиллаштирилмоқда. Хусусан, қонун лойиҳасининг 57-моддасида давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароит яратиши, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашишини кафолатловчи нормалар киритилмоқда.

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, маълумотларга кўра, 2022 йилда 50 минг оила учун янги квартиралар олишга шароит яратилган. 2023 йилнинг айни вақтига қадар 90 минг, келгуси 2-3 йил ичида 200 минг оилани уй-жойли қилиш режалаштирилган.

Яна бир алоҳида аҳамиятли жиҳат шундаки, конституциявий қонун лойиҳасида шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқувчи ҳуқуқий оқибатлар унинг яқин қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўла олмаслиги ҳақидаги норма киритилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, амалиётда баъзи ҳолатларда учраб турувчи асоссиз важларга, фуқароларнинг меҳнат қилиш, эркин иш танлаш ва ишлаш ҳуқуқларига тўсиқ бўлмаслигини англатади.

Мазкур ўзгаришлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги позициясига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши аниқ. Хусусан, Ўзбекистон учун устувор ҳисобланган қатор сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид халқаро рейтинг ва индекслар мавжуд. Жумладан, кутилаётган ўзгаришлар Жаҳон одил судлов ташкилоти томонидан тузиладиган ҳуқуқ устуворлиги индексининг "Асосий меҳнат ҳуқуқлари" индикаторига, Жаҳон банки томонидан тузиладиган Бошқарув сифати индикаторлари таркибига кирувчи "Инсон ҳуқуқлари" субиндикаторига, шунингдек, "The Economist Unit" ташкилоти томонидан аниқланувчи "Давлат аҳолининг бандлик даражасини таъминлаши" сўровидаги мамлакатимизнинг эгаллаб турган ўрни яхшиланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар ва содир бўлаётган сиёсий жараёнлар барча соҳа сингари меҳнат қонунчилигида ҳам катта ижобий ўзгаришларга замин яратади. Бу эса аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, халқнинг давлатдан розилигига эришишда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI 2023

# Ижтимоий ахлоқ – янгиланаётган жамият орзуси



**Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Ҳа, биз бу борада кейинги йилларда қатор ишларни бажардик, турли тадбирлар ўтказдик, фуқароларни нималаргадир чорлагандек бўлдик. Бироқ бу ишларимиз биз ўйлагандек натижани бермади. Жамият ижтимоий-маънавий ҳолатига таъсир этувчи ички ва ташқи таҳдидлар кўпайса кўпайдики, аммо камаймади. Ёшларимизнинг муайян қисмида жамиятдан бегоналашув жараёни юз берди. Жамиятда айрим фуқароларимиз лоқайдлик касалига мубтало бўлгандек. Маънавий-мафкуравий иммунитетнинг сустлиги оқибатида баъзи ёшларимизда радикаллашув ҳолати юз бера бошлади, миллий қадриятларимизга, ахлоқий тамойилларимизга бепарволик кайфияти шаклланди.

Мен бу фикрларни бўрттириб билдираётганим йўқ. Булар, афсуски, бутун маърифатли дунёда бўлгани каби, бизнинг жамиятимизда ҳам маълум маънода ўзининг бўй-бастини кўрсатмоқда. Назаримизда, бундай салбий ҳолатнинг пайдо бўлиши сабаблари жуда кўп. Дунёнинг тобора глобаллашуви, бир қутбли дунёнинг кўп қутбли дунёга айланиши туфайли содир бўлаётган миллий манфаатлар қарама-қаршилигининг кучайиб бориши, “оммавий маданият”нинг янги-янги усулларда ўзини кўрсатиши билан боғлиқ ташқи таҳдидлардан тортиб, мамлакатимизда ташқи таъсирлар натижасида баъзи ёшларимизнинг “ҳаддан ортиқ” индивидуаллашуви, жамиятдан бегоналашуви, ўз мустақил ижтимоий мўлжалига эга эмаслиги, уларда конформ дунёқараш шаклланишидан иборат ички хавфлар ўзини ўта салбий кўринишларда намоён этмоқда.

Мен бу фикрларни айнан бугун билдираётганимнинг сабаби бор. Барчага маълумки, жорий йилнинг 30 апрели мамлакатимиз аҳолиси ҳаётидаги муҳим сана бўлиб тарихга киради. Шу куни “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича референдум ўтказилади.

Янги таҳрирда қабул қилиниши кутилаётган Бош қонунимиз лойиҳаси, шубҳасиз, унинг бугунги кун талабларига ҳамда жаҳон ҳамжамияти, халқаро ҳуқуқшунослик талабларига мутлақо жавоб берадиган, амалда янги конституциявий ҳужжат эканидан дарак беради. Шубҳасиз, ушбу ҳужжат мамлакатимиз ва Ўзбекистон жамиятини тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқишига ишонамиз.

Лойиҳада менинг диққатимни кўп нарсалар тортган бўлса-да, бир муҳим нарсага алоҳида эътибор беришни лозим топдим. **Бу барчамизнинг тақдиримизда муҳим ўрин эгаллаётган, аммо юқорида таъкидлаганимиз каби, кейинги пайтларда муайян даражада эътибордан четда қолган масала — ахлоқий тарбия билан боғлиқ масалага тегишлидир.**

Гап шундаки, қабул қилиниши назарда тутилаётган Конституция лойиҳасининг **бешта моддасида (21-, 33-, 44-, 71-, 79-моддалар) ахлоқ масаласи кўтарилган.** Ваҳоланки, амалдаги конституцияда ушбу масала бирорта ҳам моддада ўз аксини топмаган. **Айни пайтда 21-, 33-, 71-моддаларда мазкур масалага янада кенгроқ ёндашилган. Ахлоқ ижтимоий ахлоқ сифатида талқин этилади.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасида ушбу масалага алоҳида эътибор берилишининг сабаблари, фикримизча, барчага аён. Бу бўйича айрим мулоҳазаларни юқорида ҳам билдирдик. Шу ўринда, ўқувчиларнинг диққатини ахлоқ масаласи бугун мамлакат ва жамият тақдирида алоҳида ўрин эгаллайдиган масалага айланганини таъкидлашни лозим топдик. **Тарбия, маънавият-маърифат, ахлоқ масаласи билан бутун жамият, давлат шуғулланмас экан, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига эришиш амри маҳол. Буни барчамиз биламиз.**

Аммо биз юқорида қайд этганимиз каби, бугунги дунёнинг шиддат билан ривожланиши, миллий ва умуминсоний қадриятлар трансформацияси, инсон, унинг онги, тафаккури, айниқса, қалби учун тобора кучайиб бораётган ғоявий-мафкуравий курашлар ахлоқ феномени аҳамиятини башарият учун нечоғлик зарур эканини исботлаб қўймоқда.

Мени, оддий бир фуқарони хурсанд қилган нарса шундан иборатки, мазкур Конституциявий қонун лойиҳасида ахлоқ масаласи, фуқаролар тарбияси, маънавий ривожланиши масалалари ҳам жамият, ҳам давлатнинг энг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Масалага шу тахлит ёндашишнинг яна бир ўта муҳим томони бор.

**Кейинги пайтларда айрим “сохта демократлар”, ўзларини инсон ҳуқуқларининг ҳимоячилари, деб билувчи “шоввозлар”да тарбия, маънавият-маърифат, айниқса, ахлоқ масалаларига тескари кўз билан қараш аломатлари кучайиб бораётган эди. Эмишки, ахлоқ ҳар бир фуқаронинг шахсий иши. Унга кўр-кўрона аралашиш шахснинг фуқаролик эркинликларини бўғармиш!**

Масалага шундай тарзда ёндашиш, шубҳасиз, шахс, жамият, давлат ўртасидаги ижтимоий мажбуриятларнинг бажарилишига салбий таъсир кўрсатади. **Бизнинг миллий қадриятларимизда, тарихий тараққиётимизнинг ҳеч бир даврида ахлоқ ҳеч қачон жамият тараққиётидан алоҳида ажратиб олинган даражада ташлаб қўйилмаган.** Халқимиз тарбия, ахлоқ масаласига жамият томонидан беэътиборлик, албатта, маънавий фалокат, ижтимоий муҳитнинг емирилишига сабаб бўлишини яхши билган. Шу маънода, биз ўрганаётган ҳужжатда ижтимоий ахлоқ масаласига алоҳида урғу берилиши давлатнинг адолатли жамият, мамлакатда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдан манфаатдорлигидан далолатдир.

Хўш, ижтимоий ахлоқ, деганда нимани тушуниш керак, ҳақиқатан ҳам бугун айримлар давлат ва жамиятнинг инсон ахлоқи масалаларига аралашуви унинг эркинлигини бўғишдан иборат, деган иддаоларининг концептуал камчилиги нимадан иборат? Назаримизда, ижтимоий ахлоқ тўғрисида айрим фикрларни баён этишдан аввал, умуман ахлоқ ҳақида қисқача тўхталиш лозим.

Олим, мутахассисларнинг фикрича, **ахлоқ инсон ва жамият ҳаётида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-маънавий ҳодисадир.** Арабчада ахлоқ хулқнинг кўплигини англатувчи тушунча бўлиб, кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, ижтимоий, шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабатлари, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларни тартибга солувчи барқарор, ҳаётий тажрибадан ўтган меъёрлар, қоидалар мажмуасидир. **Ўзбек халқи азалдан ахлоқ деганда соғлом иймон-эътиқодга эга, кучли иродали, инсоф ва адолатни ўзининг ҳаётий тамойилига айлантира олган кишиларни тушунган.**

Ўзбек халқи ижтимоий-маданий ҳаёти тарихига эътибор берадиган бўлсак, унинг барча даврлари инсонларни камолот сари сафарбар қилиш, уларда руҳни тарбиялаш, юксак иродани шакллантириш билан боғлиқ ижтимоий вазифаларга жуда кенг ўрин берилганини кўриш мумкин. Муқаддас “Авесто” китобида, туркий халқлар тош битикларида, “Темур тузуклари”да, умуман, Марказий Осиёдан, буюк Турон заминидан етишиб чиққан барча алломаю мутафаккирлар, жадид боболаримиз асарларида шахс тарбияси, инсон руҳияти ислоҳотида ахлоқ масалалари дунёда тенги йўқ мукаммал концепция ҳолатида шаклланганини кўриш мумкин.

Келинг, яхшиси, улар ҳақида айрим мисолларни келтириш билан хулосамизни асослай қоламиз. **Буюк бобомиз Абу Наср Форобий ўзининг ҳикматларида ахлоқли одам ўзида 12 туғма хислатни бирлаштириши лозимлигини кўрсатади.** Улар қуйидагилардан иборат:

**биринчидан,** бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукаммал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари ёрдамида бажармоқчи бўлган барча ишларини осонлик билан амалга ошира олсин;

**иккинчидан,** барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади, айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин;

**учинчидан,** хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган, эшитган, сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин;

**тўртинчидан,** зеҳни шу даражада ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан бу аломат нимани билдиришини тезда билиб олсин;

**бешинчидан,** сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин;

**олтинчидан,** билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини осонлик билан ўзлаштира олсин;

**еттинчидан,** овқатланишда, ичимлик истеъмол этишда очкўз бўлмасин, табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандликдан жирканадиган бўлсин;

**саккизинчидан,** ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин;

**тўққизинчидан,** руҳининг ғурури ва виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олийжаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин;

**ўнинчидан,** дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин;

**ўн биринчидан,** ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчи бўлсин, адолатсизликка, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган, адолатни тарғиб этадиган бўлсин;

**ўн иккинчидан,** адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқиш ва ожизликни билмасин.

Буюк мутафаккир аллома фикрларининг бугунги кун учун афзаллиги шундаки, уларда шахснинг нафақат тарбияси, шунингдек, муҳим инсоний сифатлар бўлган қатъий характер, адолат принципларига амал қилиш, ҳақиқат феноменини ўз фаолиятининг асоси тарзда қабул қилиш, виждон, киши руҳияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳам ахлоқ кўриниши сифатида эътироф этилади.

Ахлоқ жуда кенг тушунча. Унинг ўзига хос меъёрлари, қоидалари борки, уларга беэътиборлик ушбу муҳим ижтимоий ҳодисанинг аҳамиятини саёзлаштиради. **Аслида, ахлоқ ёрдамида инсон адаби бошқариб борилади.** Бу ҳақда замонамизнинг улуғ алломаси Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф шундай дейди: **“Ахлоқ — барча махлуқотлар билан хусни хулқда бўлишдир. Ахлоқнинг асосини ҳилм, афв ва сабр ташкил этади. Халойиқ сенга қандай муомалада бўлишларини истасанг, сен ҳам уларга шундай муомала қилишинг ахлоқдир. Озорни тўхтатиб, эҳсонни сочиб; инсофни кўрсатиб, жафони йўқотиб; сафони топиб, дунёни ортга отиб юбормоқ ахлоқдир. Ахлоқ — шаҳват ва ғазаб қўзиганда нафсни жиловламоқдир”.**

Назаримизда, ахлоқ категориясига бундан ортиқ таъриф бериш мушкул. Чунки ушбу таърифда ахлоқ масаласига нафақат тарбия усули сифатида, айни пайтда унинг ҳам ижтимоий-маънавий, ҳам сиёсий-мафкуравий жиҳатларига эътибор қаратилган. Аслида ҳам шундай. Шу маънода, бу ёруғ дунёдаги барча одамларни юқоридаги таъриф бўйича “ахлоқли одам” ва “ахлоқсиз одам”га бўлишнинг ҳеч қийин жойи йўққа ўхшайди.

Халқимиз ижтимоий-маънавий ҳаётини тарбия, ахлоқни ислоҳ қилиш жараёнларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Миллий тарихимизнинг қайси даврини олиб қарамайлик, барчасида миллий ахлоқимиз ўша давр хусусиятларини эътиборга олган ҳолда такомиллашиб, сайқалланиб борганини кўриш мумкин. Жумладан, жадид бобомиз Абдулла Авлоний шундай дейди: **“Инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража берувчи ахлоқ тарбиясидир.** Биз аввалги дарсда тарбия ила дарс орасида фарқ бор, дедик, чунки: **дарс олувчи — билувчи, тарбия олувчи — амал қилувчи демакдир”.**

Дарҳақиқат, жадид бобомизнинг ушбу фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Гап шундаки, бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот дунёсида ёшу қари билмаган, ўқимаган нарсанинг ўзи йўқ. Оддий тарбия жараёнидан то мукаммал технологияларгача, тирикчилик муаммоларини ҳал этишдан жаҳоний геополитик муаммоларгача — барча-барча нарсадан хабардормиз. **Яъни жадид бобомиз қайд этганидек, ҳаммамиз билувчимиз. Аммо билган нарсага амал қилиш бобида нўноқлигимиз кундай равшан. Ахлоқ феномени эса ана шу номутаносибликни бартараф этувчи воситага айланиши биз учун жуда муҳим.**

Энди масаланинг яна бир муҳим жиҳати — ижтимоий ахлоқ масаласига эътибор қаратсак. Бу масалани ўрганиш асносида янги таҳрирда қабул қилиниши кутилаётган Конституциямиз лойиҳасининг 1-моддасига эътибор қилмоқ керак. Унда мамлакатимиз **“Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”,** дея таърифланади.

Бугунги Ўзбекистон муҳтож бўлаётган ижтимоий ахлоқ аслида Конституция лойиҳасида таклиф этилаётган “Ижтимоий давлат” тушунчаси билан бевосита боғлиқ.

Ижтимоий давлат аслида, энг аввало, ижтимоий адолатга, фуқароларнинг ижтимоий ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигига, жамият барча аъзоларининг ягона мақсад сари бирлашиши, миллий бирликка асосланган, кишиларнинг ижтимоий ҳимоялангани хусусида ғамхўрлик қиладиган давлат. Бу жуда мураккаб жараён эканини барчамиз англаб турибмиз.

Назаримизда, **ижтимоий давлатни барпо этишнинг энг муҳим омилларидан бири, бу — ижтимоий ахлоқни шакллантириш масаласидир. Айримлар бу масалада ҳам ўз иккиланишларини сездирмоқда. Гўё, ҳамма учун бир хил бўлган ахлоқий тамойилларни ишлаб чиқиш ва уларни барча орасида кенг ёйиш шахс ҳуқуқларини поймол қилиш эмиш. Бу мутлақо ҳақиқатан узоқ фикр ва хато хулоса.**

> ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ, БУ — ИЖТИМОИЙ АХЛОҚНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАСИДИР. АЙРИМЛАР БУ МАСАЛАДА ҲАМ ЎЗ ИККИЛАНИШЛАРИНИ СЕЗДИРМОҚДА. ГЎЁ, ҲАММА УЧУН БИР ХИЛ БЎЛГАН АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ БАРЧА ОРАСИДА КЕНГ ЁЙИШ ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ПОЙМОЛ ҚИЛИШ ЭМИШ. БУ МУТЛАҚО ҲАҚИҚАТДАН УЗОҚ ФИКР ВА ХАТО ХУЛОСА.

Негаки, миллий ахлоқимизнинг яхшилик, адолат, инсонпарварлик, ор-номус, меҳр-оқибат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, жамоа руҳи билан яшаш, ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, тинчликсеварлик, бурч, виждон, бахт каби қатор муҳим таркибий қисмларини шахс камолотини шакллантирувчи буюк куч сифатида инкор этиш оғир оқибатларга олиб келаётганини барча ҳам бирдай тан олмаяпти. Шунинг учун ҳам, бугунги Ўзбекистон жамиятида ахлоқсизлик аломатлари кўп учраяпти, адолат тамойилларининг бузилиш ҳолатлари кўзга ташланиб, одамларимиз орасида меҳр-оқибат ришталарининг узилиши содир бўлмоқда.

Ана шундай шароитда ўз миллий тараққиётини, келажагини, ёш авлод тақдирини ўйлаган ва унга дахлдор бўлган ҳар қандай давлат ижтимоий ахлоқ масаласига теран нигоҳ билан қараши лозим. Хўш, ижтимоий давлатни барпо этишнинг зарур шарти бўлган ижтимоий ахлоқнинг ижтимоий вазифалари нималардан иборат бўлиши мумкин?

**Биринчидан,** жамият ривожи, ижтимоий давлатни барпо этиш шу жамиятдаги барқарор ва мақбул ижтимоий муҳитга боғлиқ. Бир томондан, инсоннинг ўзи ижтимоий муҳит маҳсули бўлса, бошқа тарафдан, ана шу барқарор муҳитнинг ижодкори ҳам инсон. Ижтимоий ахлоқ мазкур объект (ижтимоий муҳит) ва субъект (инсон)нинг ижтимоий мослашувчанлигини таъминлайдиган, уларнинг самарали ҳамкорлигини йўлга қўядиган омил ҳисобланади. **Шу нуқтаи назардан, ижтимоий давлатни ижтимоий ахлоқсиз барпо этишнинг мутлақо иложи йўқ.**

**Иккинчидан,** жамият аъзоларининг барчасида ўз шахсий эҳтиёжлари мавжуд. Биз барчамиз кечаю кундуз ушбу эҳтиёжларимизни қондириш мақсадида тинмай ҳаракат қиламиз. Бу йўлда баъзан тўғри, айрим пайтларда қинғир йўлларни танлаймиз, мавжуд қонунчиликка зид равишда фаолият кўрсатамиз. Бошқача айтганда, ўз ахлоқсизлигимизни намоён қиламиз.

**Шу билан бирга, бугунги цивилизацион дунёда ижтимоий эҳтиёжлар, жамият манфаатларига асосланган қадриятлар ҳам бор. Бироқ биз ўз шахсий манфаатларимиз йўлида уларни инкор қиламиз. Ижтимой ахлоқ ана шу номутаносибликни бартараф этади. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ахлоқ бизнинг шахсий эҳтиёжларимиз билан абадий муросага интилишимизнинг муҳим кўриниши сифатида ижтимоий мазмунга эга бўлади.** Шахсий ва ижтимоий ахлоқнинг мувофиқлашуви, **бир-бирига тоқат қилиш муҳитининг яратилиши,** назаримизда, ижтимоий давлатни бунёд этишнинг асосини ташкил этади.

**Учинчидан, ижтимоий ахлоқ инсонни ахлоқий идеалга яқинлаштиради.** Ахлоқий идеал ахлоқ меъёрларига асосланган хулқнинг юксак даражаси, мукаммал ҳолати ҳисобланади. Ахлоқий идеал шахснинг бугунги реал ҳаётдаги турли воқеа-ҳодисаларга муносабатида акс этган ҳолда, унинг ҳаётда ўз ўрнини топишига, ҳаётий позициясини мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Афсуски, бугун реал ҳаётдан адашган, ўзлигини топа олмаётган, шу туфайли ахлоқсизликнинг турли кўчаларига кириб кетаётган ёшлар ҳам учраб турибди. Бундайлар, одатда, виртуал дунёни ҳақиқий дунё сифатида тасаввур қилади. Виртуал дунёга ғарқ бўлганда ўзини ўзи бошқариш амалиёти аста-секин йўқ бўла бошлайди. Улар реал дунёни тан олмайди ва ҳақиқий лаззатни, ҳаётнинг мазмунини бошқа дунё, яъни виртуал дунёдан қидиради. Бу ўта хавфли ҳодиса ҳисобланади. Ижтимоий ахлоқ кишиларни ана шу ҳалокатдан сақлайдиган куч ҳисобланади.

**Тўртинчидан, ижтимоий ахлоқ инсонларни ижтимоийлаштирувчи муҳим восита.** Дарҳақиқат, индивидуаллашган жамиятда том маънодаги ижтимоий давлат тўғрисида фикр билдириш амри маҳол.

Энди икки оғиз ижтимоийлашув ҳақида фикрлашсак. Ижтимоийлашув бирор-бир воқеа, ҳодиса, шахс ёки ҳаракатнинг ижтимоий моҳият касб этиб, кўпчиликка дахлдор бўлиб, ижтимоий муносабатлар мажмуига айланишини таъминлайдиган жараён.

Айримлар шахс ва жамиятнинг ижтимоийлашуви ва индивидуаллашувини бир-бирига зид қўяди. Бу, назаримизда, хато хулоса. Ҳамма гап шундаки, жамият ва шахснинг ижтимоийлашуви инсоннинг индивидуаллашуви натижасида пайдо бўлади. Яъни шахс ва жамиятнинг ижтимоийлашуви ҳар қандай тараққиёт учун зарур эканини англаш учун ҳам инсонда индивидуаллашув жараёни юз бериши лозим. Мазкур ҳолат аста-секинлик билан сифат жиҳатдан бойиб бориши, мукаммаллашуви туфайли жамият ижтимоийлашуви юз беради. Аниқроқ айтиладиган бўлса, **ижтимоий давлат ўзида индивидуал сифатларга бой, амалга ошираётган ишларини онгли равишда англаган, ўз фаолиятини жамият манфаати ва эҳтиёжларига уйғунлаштира олган, ижтимоий ахлоқ нормаларига қатъий амал қиладиган мустақил кишилар мамлакатидир.**

**Бешинчидан, ижтимоий ахлоқ жамият аъзоларини ягона мақсад сари сафарбар этишга йўналтира оладиган муҳим куч.** Айёр, қўрқоқ, ўзини ислоҳ қилишга эҳтиёжи йўқ, бефарқ, дангаса, яккаликдан роҳат топадиган одамларнинг жамият олдидаги катта мақсадлар йўлида бирлашиши амри маҳол. Мутафаккирларнинг қайд этишича, айёрлик — ахмоқнинг ақли.

Ана шундай иллатларга эга инсонлар ахлоқнинг ижтимоийлашувидан манфаатдор эмас. Чунки бу борада уларнинг ўз “дунёси” бор. Жамият томонидан қабул қилинган стратегик вазифалар, ижтимоий мўлжаллар уларни қизиқтирмайди. **Ижтимоий ахлоқ эса ана шундай кишиларни тарбиялайди, уларнинг самарасиз ҳаракатига мазмун киритади, аста-секин онгсиз фаолиятини ахлоқий фазилатлар билан безай бошлайди.**

Бугун биз Янги Ўзбекистонни барпо этишга аҳд қилганмиз, Учинчи Ренессансни яратиш амалий ҳаракатимизга айланган. Маърифатли жамият ва янги маънавий макон қуруқ орзуимиз эмас, балки, барча ҳаракатларимизнинг асл мақсадига айланган. Бу борадаги ишларни фақат ва фақат бутун жамиятни маънавий соғломлаштириш ҳамда юксалтиришга куч берувчи омил — ижтимоий ахлоқ туфайлигина амалга ошириш мумкин.

**Олтинчидан, ижтимоий ахлоқни жуда кенг маънода тушуниш лозим.** Ахлоқ дини, тили, эътиқоди, ирқидан қатъи назар, барча инсонларни ҳамжиҳатликка, ижтимоий ҳамкорликка чақиради. Ижтимоий ахлоқ бутун жамият аъзоларининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини ягона мақсадга йўналтира оладиган феномен ҳодисадир.

Шу ўринда ахлоқий қадриятлар иерархиясида барча миллат ва халқлар учун устувор аҳамиятга эга бўлган қадриятлар борки, уларсиз жамиятда ижтимоий-маънавий барқарорликни таъминлаш, соғлом ғоявий-мафкуравий муҳитни яратиш асло мумкин эмас. **Шубҳасиз, бундай қадриятлар сирасига тинчлик, ижтимоий ҳамкорлик, турли халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, барқарор ривожланиш кабиларни киритиш мумкин.**

Бугунги дунёда ижтимоий ахлоқ феноменида миллийлик мазмуни билан тенг равишда унинг байналмилаллик жиҳатлари аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Бу ҳолатни кўрмаслик асло мумкин эмас. Бошқача айтганда, **бугунги дунёнинг ҳаддан тез равишда глобаллашуви, давлатлар ва минтақалар ўртасидаги интеграция жараёни кенгайиши ва чуқурлашуви, миграцион ҳаракатлар ортиши, жаҳон Интернет тизими ва ижтимоий тармоқлар кишилар онги ва тафаккур тарзига таъсири кучайиши ижтимоий ахлоқнинг аҳамиятини янада оширмоқда.**

Масаланинг яна бир муҳим жаҳати бор ва у минтақамиз — Марказий Осиё давлатларида истиқомат қилаётган халқлар тақдири билан бевосита боғлиқ. Ушбу минтақа халқлари азалдан бир ҳаводан нафас олиб, бир дарёдан сув ичиб, ўз тақдирларини бир-бири билан боғлаб келган. Аслида, бу халқларнинг тарихи ҳам, тақдири ҳам, дўсти ва душмани ҳам бир бўлган. Айни шундай, бизнинг ахлоқий қадриятларимиз ҳам деярли бир хил.

Қолаверса, кейинги 5-6 йилда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги аввал турли сабаблар натижасида ёпилган “темир дарвозалар”нинг очилиши, ушбу мамлакатлар орасидаги ўзаро ишонч, ҳамжиҳатлик ва барча соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳам бўйига, ҳам энига кенгайиб, чуқурлашиб бориши ижтимоий-гуманитар жабҳадаги алоқаларни янада кенгайтиришни талаб этмоқда. Буларнинг бариси, шубҳасиз, минг йиллар мобайнида битта макон ва замонда шаклланган халқларимиз ахлоқий қадриятларига, тарбия тизимига ҳам бевосита тегишлидир. Бас, шундай экан, **бугун бу халқлар миллий ахлоқи ижтимоий мазмунга эга бўлмоқда, халқларимиз ва давлатларимизни умумий манфаатлар йўлида бир-бирига яқинлаштирмоқда.**

Шахснинг тўлиқ шаклланиши унинг ахлоқийлик даражаси билан боғлиқ. Ахлоқийлик эса ҳар бир инсоннинг ўзи ва жамият олдидаги бурч ва масъулиятга нисбатан муносабатида акс этади. **Ахлоқийликнинг айрим кўринишлари инсоннинг ташқи ҳаракатларида намоён бўлса-да, айни пайтда, унинг том маънодаги ахлоқий сифатлари индивиднинг ички руҳиятида макон топади. Шунинг учун ҳам ахлоқийлик ҳар биримизнинг ички, ботиний ҳаётимизда яшайди. Ана шундай сифатлар асосида биз тарбия топамиз, ўзимизни ислоҳ қилишга эҳтиёж сезамиз, пировард натижада реал ҳаёт ва ахлоқий идеал ўртасидаги чегараларни қисқартирамиз.**

Ижтимой ахлоқ эса жамият ижтимоий-маънавий, ғоявий-мафкуравий муҳитини соғломлаштиради, кишиларни умуммиллий мақсадларни бажаришга сафарбар этади. **Кишилар ўртасидаги турли муносабатларни мувофиқлаштириш, жамият аъзолари амалий фаолиятини соғлом, инсонпарварлик, ватанпарварлик ғоялари билан йўғрилган қадриятлар билан безайдиган куч ҳам ижтимоий ахлоқдир.**

Шу маънода, биз нимани ютсак, ижтимоий ахлоқ туфайли ютамиз, нимани бой берсак, у ҳам ижтимоий ахлоқ нормаларига беэътиборлигимиз натижасида содир бўлади. Дарҳақиқат, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ахлоқ, хусусан, ижтимоий ахлоқ масаласига жиддий эътибор берилиши мамлакат ва миллат тақдирида алоҳида ўрин эгаллашидан дарақдир.



> МЕНИ, ОДДИЙ БИР ФУҚАРОНИ ХУРСАНД ҚИЛГАН НАРСА ШУНДАН ИБОРАТКИ, МАЗКУР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА АХЛОҚ МАСАЛАСИ, ФУҚАРОЛАР ТАРБИЯСИ, МАЪНАВИЙ РИВОЖЛАНИШИ МАСАЛАЛАРИ ҲАМ ЖАМИЯТ, ҲАМ ДАВЛАТНИНГ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА.



“МЕНИНГ БИРИНЧИ УЙИМ”

**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТОПШИРИҒИ БИЛАН ЖОРИЙ ЙИЛ МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ҲАЖМИ 1,5 БАРОБАР ОШИРИЛИШИ, ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДА ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ БЎЙИЧА ИККИ ЙИЛ ОЛДИН БОШЛАНГАН АМАЛИЁТ ДАВОМ ЭТТИРИЛИШИ ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМ УЧУН АЙНИ МУДДАО БЎЛАДИ.**

# УЙ ОЛИШ
## муаммодан имкониятга айланмоқда



**Элдор МИРХОЛИҚОВ, Тошкент вилояти ҳокимлиги котибият мудири**

Бошланиши 1-бетда

Қурилиш соҳаси иқтисодиётимизнинг драйвер йўналишларидан бирига айланди. Охирги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йиллардагига нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди. Аммо барибир аҳолининг уй-жойга эҳтиёжини таминлаш масаласи асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки одамлар уйли, ўзи ва оиласи тинч-хотиржам яшаши учун бошпанали бўлсин, деган мақсад баридан устун.

Турли дастурлар доирасида ҳар бир ҳудудда уй-жойлар қад ростламоқда. Маълумотларга кўра, сўнгги йилларда мамлакатимизда 326 мингта янги хонадон фойдаланишга топширилиб, шунча оила уй-жой билан таъминланди. Янги уй-жойлар қурилиши ва 2023 йилги ипотека дастури бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан жорий йил 5 апрель куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўтган даврда юртимизда уй-жой билан таъминланганлик даражаси аҳоли жон бошига 18 фоиз ошгани, аммо бу етарли эмаслиги таъкидланди. Чунки юртимиз аҳолиси сони сезиларли тарзда ортишда давом этмоқда: охирги йилларда бу кўрсаткич 5 миллион 500 минг нафарга ўсиб, 36 миллиондан ошгани бунинг исботи. Демак, ҳар бир ҳудудда бу йўналишдаги ишларни фаол давом эттириб, нафақат уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш, балки аҳоли талабига мос арзон, сифатли, тежамкор хонадонларни қуриш, ҳамёнбоп нархлардаги ипотека дастурларини жорий этиш бўйича вазифалар айни вақтида белгиланмоқда. Президентимизнинг шу йил 13 апрелдаги “2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳам бунинг яна бир амалий тасдиғи.

### Янги тажриба ўзини оқлади

Тошкент вилояти пойтахтимизга энг яқин ҳудуд. Бу ерда ҳам қурилишлар авжида. Ана шу қурилишларнинг катта қисмини эса уй-жойлар ташкил этяпти. Биргина 2021-2022 йиллар давомида вилоятда 258 та уй — 9 минг 432 та хонадон қурилгани бунинг далили.

Хусусан, 77 та кўп қаватли уй тадбиркорлар томонидан янги тартиб асосида қурилиб, 3 минг 206 хонадон эгаларига топширилган. Таҳлиллар айни пайтда вилоятда 24,2 минг кишининг уй-жойга эҳтиёжмандлиги, 26,6 фоиз оила кредит тўлашга лаёқатли эканини кўрсатмоқда. Аҳолининг 52,7 фоизи ёшлардан иборатлиги бу ҳудудда янги турар жойларга талаб юқори эканини кўрсатади.



Шунга яраша қурилишлар кўлами ҳам катта. Жумладан, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларидаги “Янги Ўзбекистон” массивларида 44 та кўп қаватли уй қурилмоқда. Очиғи, бундай массивларни юртимиз шароитидаги энг мақбул ечим, муқобили йўқ тажриба дейиш мумкин. Ёдимизда, 2021 йил 9 декабрда давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, ушбу замонавий турар-жой биноларининг қурилиши биринчилардан бўлиб Андижон шаҳри яқинида бошланган эди. Кейинчалик тажриба бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштирилди. Қисқа вақт ичида улар одамлар ишончини оқлади.

“Янги Ўзбекистон” массивлари — бу бир вақтнинг ўзида аҳоли яшаш уйлари, ижтимоий соҳа объектлари, зарур инфратузилмага эга катта майдондаги турар жой мажмуасидир. Бундай масканда яшайдиган инсонлар ўз манзилидан узоқлашмаган ҳолда ишлаш ва барча турдаги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлади. Яъни массивларни шаҳар ичидаги кичик шаҳарлар, дейиш мумкин. Ҳозир юртимизнинг ҳар бир вилоятида 2-3 тадан шундай массив қуриляпти.

Пискент туманида ҳам ўтган йили “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши бошланган. 19 гектар майдонда бунёд этилаётган массив қарийб 2000 та оилани уй-жой билан таъминлаш имконини беради. Атрофда жуда катта ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Мактаб, боғча, савдо дўконлари, спорт комплекслари қуриляпти. Массивдаги тайёр уй-жойлар ўз эгаларига бирин-кетин топширилмоқда. Қолган хонадонлар ҳам режа асосида 2025 йилгача қуриб битказилади.

### Ипотека кредити олиш имконияти кенгаймоқда

Давлатимиз раҳбари топшириғи билан жорий йил мамлакатимизда янги уй-жой қуриш ҳажми 1,5 баробар оширилиши, имтиёзли шартларда ипотека кредити бериш бўйича икки йил олдин бошланган амалиёт давом эттирилиши эҳтиёжманд қатлам учун айни муддао бўлади.

Тўғри, уй-жой олиш мақсадида йиллаб маблағ тўплайдиган, ана шу пулга яхши ниятлар билан уй харид қиладиганлар орамизда кўп. Аммо уйга эҳтиёжи бўла туриб, бунга имконияти етмайдиган оилалар ҳам йўқ эмас. Кўпчилик ижара тўловлари, кундалик харажатлардан орттириб маблағ тўплай олмайди. Ахир уй-жой нархи кичик сумма эмаски, бир неча ойда пул йиғиб олиш мумкин бўлса.

Шу боис, сўнгги йилларда юртимизда ҳар бир фуқаро ўз уйига эга бўлсин, деган мақсадда арзон уй-жойлар ва кўп квартирали уйлар қуриш кескин жадаллашди, ипотека тизимини қулайлаштириш чоралари кўрилмоқда. Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ёки фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўлаш тизими йўлга қўйилди.

Хусусан, биргина 2020-2022 йилларда юртимиз бўйлаб жами 27 800 фуқарога бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун 795,6 миллиард сўм ва 38 минг 811 фуқарога фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун 429,4 миллиард сўм субсидия ажратилгани сўзимиз исботи. Шунинг ортидан кўп йиллардан буён ижарама-ижара сарсон бўлиб юрган минглаб одамларнинг орзу-истаклари рўёбга чиқди.

Президентимиз топшириғига асосан, жорий йилда Тошкент вилоятида “Менинг биринчи уйим” лойиҳаси билан янги ипотека дастури бошланиши ва дастур доирасида, аввало, турар жойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар қурилиши вилоят аҳлини қувонтирган эзгу амаллардан бири бўлди. Зеро, давлатимиз раҳбари ўтган йили Тошкент вилоятига ташрифи чоғида мутасаддиларга ҳудудда келгуси йилда эҳтиёжманд аҳоли уй-жой ипотекаси учун 100 миллиард сўм субсидия ажратилишини айтиб, Зангиота туманида “Янги Ўзбекистон” массивини қуриш бўйича таклиф киритиш, Олмалиқ, Чирчиқ, Ангрен, Бекобод, Оҳангарон, Нурафшон ва Янгийўл шаҳарларида авария ҳолатидаги 19 та кўп қаватли уйда яшовчиларни замонавий бошпана билан таъминлаш чорасини кўриш вазифаларини топширган эди. Олиб борилган ишлар натижасида янги тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича ҳолат қанақа, қандай муаммолар мавжудлиги, “Менинг биринчи уйим” лойиҳасининг қандай қулайликлари борлиги кўриб чиқилди.

Очиғи, ҳозирги вақтда уй-жой қурилиши ва топширилишида кечикишлар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу қатор омиллар билан боғлиқ. Масалан, электрон аукцион орқали уй-жой қурилишига ер майдони ютиб олган тадбиркорларга уйларни ўз вақтида топширмагани учун қонуний чора кўриш механизми мавжуд эмас. Уй-жой қуриш бўйича пудрат ташкилотларининг охирги йилларда қурилиш ишларидаги тажрибаси ҳам электрон аукционда инобатга олинмайди. Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар 24-27 фоиз ставкада экани эса уй-жойлар таннархи ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бу масалалар ечими барибир қурилиш таннархини пасайтиришга бориб тақалади. Юртимизда қурилишлар борасида яхшигина тажриба шаклланмоқда. Анъанавий қурилиш материалларидан воз кечилиб, замонавий, энергия тежамкор, иссиқликни яхши ушлаб қолувчи, хуллас, камхарж уйлар қурилиши оммалашмоқда. Бу борада янада қулайликлар яратиш мақсадида жорий йилдан ёғоч, фанера, ёғочли опалубка ва ойнани импорт қилишда 2025 йилга қадар божхона божи бекор қилинадиган бўлди. Юқори маркали цемент бўйича божхона божи имтиёзи яна 1 йилга узайтирилди. Шуларнинг ҳисобига уй-жой қуриш таннархи 5 фоизгача пасаяди.

Ипотека кредити ва субсидия билан кўпроқ аҳолини қамраб олиш мақсадида эндиликда расмий даромади етарли бўлмаган аҳолига ҳам ипотека кредитини олиш имконияти яратилмоқда. Зеро, топиш-тутиши яхши бўлса-да, расмий даромади кам ёки умуман бўлмаган юртдошларимиз йиллар давомида шу муаммодан қийналиб келаётганди. Бундай эҳтиёжмандларнинг дастлабки бадални кўпроқ тўлаб, арзонроқ кредит олиш имкониятига эга бўлиши ҳам муҳим воқелик бўлди.

Бундан ташқари, субсидиянинг муддати қисқартирилиши, белгиланган муддатда субсидия сертификатидан фойдаланмаган фуқароларга субсидия олиш учун яна қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи берилиши, бунинг учун жорий йилда дастлабки бадални шакллантиришга 1,6 триллион сўм йўналтирилиши Ватанимизда ҳар бир инсон, унинг ҳаёти қадрланишининг амалдаги ифодасидир.

Кейинги пайтда аксарият одамларни ваҳимага солаётган иншоотларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қурилиш бошланишидан олдин танланган ер участкасини муҳандислик-геология экспертизасидан ўтказишнинг мажбурий бўлиши замирида ҳам осойишталигимиз, инсон ҳаётини асраш мақсади турибди.

Бугун Тошкент вилоятида яшовчи, уй-жойи бўлмаган ҳар бир фуқаро бир марта имтиёзли ипотека кредити асосида янги хонадон олиш имкониятига эгалигидан хурсанд. Зеро, киши бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши учун энг аввал унга тайин бошпана, кичик Ватан керак. Ана шу Ватанда у орзу-истакларини эмин-эркин амалга ошириши, эртасининг пойдеворини қуриши мумкин. Шундай экан, аҳолини арзон, янги тартибдаги уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳамиша долзарблигича қолади ва бу борадаги тажриба амалда ўзини оқлашига ишонамиз.

АГРОТАРМОҚ



# Сирдарёда органик деҳқончилик
## ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАЙДИ, ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРАДИ

**Дунёда шундай зиравор борки, нафақат таъми, балки даволовчи хусусияти сабаб табобатда ҳам, тиббиётда ҳам ниҳоятда қадрланади. Биз уни ҳар куни нон маҳсулотлари, турли таомлар устига сепилган ҳолда истеъмол қиламиз. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино уни “организмнинг энергиясини рағбатлантириб, депрессия ва чарчоқни тиклашга ёрдам берадиган уруғ”, деб номлаган. Ҳадисларда ушбу шифобахш зиравор ўлимдан бошқа ҳар қандай дардга даво экани айтилади.**

Гап халқимиз орасида “минг дардга даво” деб таърифланувчи қора седана ҳақида бормоқда. Сайёрамиз аҳолиси уни рим калиандри, нигелла, каинжи каби номлар билан ҳам аташади. Дунё ошхонасида қора седана ёқимли аччиқроқ таъми сабаб таомларга ўзгача маза берувчи қўшимча сифатида машҳур. Замонавий тиббиётда эса турли касалликларга шифо бўлувчи доридир. Шу боис, жаҳонда ушбу маҳсулотга талаб кун сайин ортиб боряпти. Бунга мос равишда кўплаб давлатларда қора седана етиштириш ва қайта ишлаш саноати ҳам ривожланмоқда.

Юртимиз шароитида қора седана асосан, Сирдарё, Хоразм, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида етиштирилади. Бу ҳудудларнинг иқлим ва тупроқ шароити билан боғлиқ бўлса керак. Аммо мутахассислар серқуёш диёримизнинг барча ҳудудида қора седана етиштириш имконияти борлигини айтади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Сирдарё вилоятида янги усулдаги тажриба лойиҳа — органик қора седана етиштириш бошланди. Сирдарё туманида фойдаланилмаётган 20 гектар майдонга ишлов берилиб, жаҳон стандартлари талаби асосида тайёрланган ерга 300 килограмм органик қора седана уруғи сепилди. Илк ҳосил 90-100 кунда олиниши режалаштирилган.

— Органик, яъни экологик тозалик талаблари асосида маҳсулот етиштириш учун айнан қора седана танланганининг бир қанча сабаблари бор, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Анвар Жуманов. — Чунки жаҳон ва Европа бозори ўрганилганда органик седанага талаб катта экани аён бўлди. Қора седана инсон саломатлиги учун витаминлар манбаи бўлган ёғ олиш, доривор воситалар ва косметологияда кенг қўлланилгани боис, бозори чаққон маҳсулотлар қаторида турибди. Қолаверса, маҳаллий шароитда ҳам органик қора седанадан турли соҳаларда самарали фойдаланиш мумкин. Лойиҳа учун айнан Сирдарё вилояти танланганига келсак, бу ерда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган экин майдонлари мавжуд ва бу органик усулда маҳсулот етиштиришни жорий қилиш учун энг мақбул ечимлардан бири ҳисобланади.

Қолаверса, Сирдарёнинг ер, сув ва табиат ресурслари бой. Аҳоли жон бошига экин майдонлари бошқа ҳудудлардагига нисбатан 2-3 баробар кўп. Вилоятда қишлоқ хўжалигининг сув билан таъминланганлик даражаси ҳам юқори. Жорий йил 7 апрель куни давлатимиз раҳбари Сирдарёга ташрифи чоғида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида имкониятлар ҳали кўплигини таъкидлагани бежиз эмас. Айниқса, ҳудуднинг аграр тармоғига илм ва инновация олиб кирилса, маҳсулот етиштириш ҳажми ва экспортини янада ошириш имкониятлари юқори.

### Талаб битта: маҳсулот фақат табиий усулда олинади

Органик қора седана етиштириш тажриба лойиҳаси хусусий сектор билан ҳамкорликда йўлга қўйилди. Ҳамкор корхона бир қанча талаблар асосида танлаб олинди ва “Srop production органис Лтд” компанияси билан биргаликда ишлар бошлаб юборилди.



Хўш, оддий қора седана билан органик усулда етиштирилганининг фарқи нимада? Аслида, нафақат седана, балки исталган маҳсулотни органик усулда етиштириш осон эмас, унинг ўз талаблари бор. Бунда ҳар бир жараён назоратга олинади — тупроқ таркибидан тортиб маҳсулотни кимёвий қўшимчаларсиз, экологик тозалик талаблари асосида етиштиришгача — бари сифат мезонларига жавоб бериши зарур. Жараёнда фақат биологик тоза препарат ва ўғитлардан фойдаланиш назарда тутилади.

Одатий сўзлашувда “экологик тоза” тарзида қўлланиладиган органик сўзи “чекланган” маъносини англатади. Яъни бундай маҳсулот қўшимча минерал ўғитларсиз, заҳарли кимёвий моддаларсиз ва бошқа техноген таъсирларсиз, замонавий технологиялар асосида етиштирилади ёки табиий тоза хомашёлардан олинади. Бозорда сунъий маҳсулотлар кўпайиб бораётган бугунги даврда органик озиқ-овқатларга талаб ҳар қачонгидан ошган. Шунга мос равишда бундай маҳсулотларнинг қиймати ҳам дунё бозорида анчайин юқори. Ҳатто органик қишлоқ хўжалиги жаҳон трендига айланган.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг 179 мамлакатида органик қишлоқ хўжалиги ривожланмоқда. 2021 йили ушбу йўналишдаги халқаро бозорларда савдо айланмаси 106,4 миллиард еврони ташкил этди. 3,1 миллион ишлаб чиқарувчи ушбу фаолият тури билан шуғулланган. Кейинги йилларда бу кўрсаткич янада ўсмоқда.

Лойиҳа мутахассислари ишни норматив ҳужжатлар ва жаҳон стандартларида белгиланган талаблар бўйича зарарли кимёвий моддалар, пестицидлар ва меъёридан ортиқ минерал ўғитлардан холи бўлган ер танлашдан бошлади. Кунлар исий бошлаши билан ерга ҳеч қандай зарарли моддалардан фойдаланмасдан, қўл меҳнати ва механик усулда ишлов берилди. Ерга сепилган қора седана уруғи ҳам махсус “органик” сертификатига эга.

Буёғига олиб бориладиган агротадбирлардан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва экспортга йўналтириш ишлари ҳам фақат соғлом муҳитда олиб борилади. Вегетация даврида мувофиқликни баҳолаш органларидан инспекторлар келиб, органик усулдаги тадбирлар билан танишиб чиқади. Ўсимликлардан намуна олиб, таҳлиллар ўтказади. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулотда номувофиқликлар аниқланмаса, махсус сертификат берилади ва “органик маҳсулот”, деб тан олинади. Тайёр бўлган органик қора седана нафақат фойдалилиги, балки экспортбоплиги билан ажралиб туради.

— Замонавий илм-фан ва инновацияларга асосланган қишлоқ хўжалигини органик деҳқончиликсиз тасаввур этиш қийин, — дейди Анвар Жуманов. — Бундай деҳқончиликнинг асоси тупроқ сифатини яхшилаб, ер унумдорлигини оширишга қаратилгани ҳолда, экологик тоза, серҳосил маҳсулот етиштириш имконини беради. Шу билан бирга, биологик деҳқончиликни юритиш соҳа олимларидан доимий ўрганишлар, илмий тадқиқотлар ва янги чора-тадбирларни талаб этади. Охирги йилларда юртимиз шароитида ҳам бу борада жиддий ишлар олиб борилмоқда. Биргина 2022 йилда 9 та пахта-тўқимачилик кластерига тегишли 7 минг 344 гектар майдонда “Organic” халқаро стандарт талаблари асосида пахта хомашёси етиштирилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 5,9 минг гектар майдон органик мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилди. Бугунги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган 34 тур маҳсулот “органик” сифат сертификатига эга. Улардан бири қора седанадир.

### Харидорлар — Европа давлатлари

Ибн Сино қора седанани кўплаб касалликларга даво, деганича бор. Ушбу маҳсулотга қадимдан даволовчи восита сифатида қаралган. Айниқса, Осиё ва Яқин Шарқда юқори қадрланади. Айнан шу минтақа одамлари илк бор уни дори-дармон сифатида қўллай бошлаган.

Ўсимлик уруғи кўплаб шифобахш хусусиятларга эга бўлиб, организмдаги турли-туман биологик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади. Иммунитетни мустаҳкамлаш, шамоллаш ва яллиғланишлар олдини олиш, оғриқ қолдириш, стресслардан халос этиш ва бошқа кўплаб касалликларни даволовчи таъсирга эга. Жигар, нафас йўллари ва юқумли касалликларни даволашда тенгсиз дея баҳоланади. Жаҳон бозорида, айниқса, қора седана ёғига талаб катта.

Юртимизда илк бор органик усулда қора седана етиштириш йўлга қўйилганининг яна бир сабаби бор. Гап шундаки, ушбу ўсимликни экиш ҳисобига тупроқ таркибини яхшилаш, унумдорлиги, донадорлигини ошириш, экологик муҳитни сақлаш кўзда тутилган.

— Қора седана Сирдарё вилоятидаги шўрланган ерларга экилиши натижасида уларнинг шўрланганлик даражаси камайтирилади, — дейди Анвар Жуманов. — Ушбу ўсимлик алмашлаб экиш учун ҳам мос келади. Ернинг шўрланиш даражаси камайганидан кейин кунжут, мош, соя, оқ ловия ва бошқа экинларни ҳам органик усулда етиштириш режалаштирилган. Президентимизнинг 2020 йил 18 майдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ҳам бу борада аниқ вазифалар белгиланган.

Лойиҳа ташаббускорлари қора седана уруғи қадалган ернинг ҳар гектаридан 1-1,5 тонна ҳосил олишни кўзламоқда. Тайёр маҳсулотнинг харидорлари ҳам аниқ — ҳозирча Германия ва норвегиялик ҳамкорлар билан савдо шартномалари имзоланган. Юқорида айтганимиздек, органик қора седанага, асосан, Европада талаб юқори бўлиб, маҳсулот нархи анча қиммат баҳоланади.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, дастлаб Сирдарёда бошланган лойиҳа яқин йилларда юртимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилади. Ҳозирги кунда эса мамлакатимиздаги аксарият фермер хўжаликларида органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича тарғибот олиб бориш, уларга экишдан тортиб, экспортга йўналтиришгача бўлган жараённи етказиш, махсус қўлланмалар яратиш устида ишлар олиб борилмоқда.

**Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

КУН МАВЗУСИ

# “АҲЛИ МАЪНО” БЎЛАЙЛИК

## ёхуд бугунги раҳбарлар қандай талабларга жавоб бериши керак?

**Баҳодир УМУРЗОҚОВ,**
**камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири маслаҳатчиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**



**Алишер Навоий давлат амалдорларини фуқаролар муаммоларини ҳал қилиш борасидаги фаолияти нуқтаи назаридан “аҳли маъно” ва “аҳли суръат” тоифасига бўлгани ҳақида маълумотлар бор. “Аҳли маъно” тоифасидаги амалдорлар оддий инсонлар муаммосини давлат манфаатидан келиб чиққан талаб ва имконларни уйғунлаштирган ҳолда ҳал этган. Улар вазиятни чуқур таҳлил қилиш асосида қарор қабул қилиш, ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, олдини олиш бўйича аниқ чоралар кўриш қобилиятига эга бўлган. Бу тоифадаги амалдорлар фуқароларга эътибор кўрсатиб, одоб ва ҳурмат билан суҳбатлашадиган давлат вакили сифатида бошқалардан ажралиб турган.**

“Аҳли суръат”даги амалдорлар эса бадфеъллиги, маданиятсизлиги, билимсизлиги, фуқаролар билан қўпол муомаласи ва зулмкорлиги, халқни менсимаслиги, энг ёмони, таъмагирлиги билан фарқланган.

Бу мисолни нима учун келтиряпмиз? Мақсадимиз — Янги Ўзбекистон шароитидаги ривожланиш босқичида амалдорлар ва оддий фуқаролар муносабатида нималар ўзгаргани, қандай янгилик, янги услуб ҳамда тадбирлар жорий этилганини таҳлил ва таққос ёрдамида билиш.

2017-2022 йилларда фуқаролар ва амалдорлар фаолиятида эркинлик ўрнатилиб, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати батамом тугатилди, барча меҳнат муносабатларини ҳуқуқий асосда олиб бориш, ошкоралик ва талабчанлик тамойиллари жорий этилди. Шу тариқа фуқаролар ва амалдорлар ўртасида янги ижтимоий-иқтисодий муҳит пайдо бўлди. Бу муҳитда фаолият кўрсатиш учун, аввалабор, профессионал ишчи касб ва мутахассислик ҳал қилувчи омил сифатида бўй кўрсатди. Меҳнат жараёни иштирокчиларининг янги тафаккур, янги дунёқараши асосида давлат ва жамият олдидаги жавобгарлик масъулияти оша бошлади. Бу ижобий тенденцияларни ташкилий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасида иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ҳамкорлигини янада такомиллаштириш мақсадига қаратилган иккита муҳим ҳужжат — 2020 йили “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонун ва 2022 йили Меҳнат кодекси янги таҳрирда қабул қилинди. Ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳим бу икки ҳужжат меҳнат муносабатларидаги энг таъсирчан ютуқларимиздан бўлди.

Навбатдаги муҳим ислоҳотларимиздан бири тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар меҳнати муҳофазасини кучайтириш, ёшларни ўқитиш ва ишга жалб қилиш, шу орқали ишсизлик ҳамда камбағаллик даражасини камайтиришга қаратилган давлат дастурлари ҳаётга кенг татбиқ этилганидадир.

Энди савол туғилади: бу каби муҳим ислоҳотлар ва белгиланган чора-тадбирларни самарали ижро этишда, ажратилган маблағларни мақсадли ва тўлақонли сарфлашда раҳбарлик лавозимида ўтирган амалдорларимиз ҳеч оғишмаяптими, тўғри йўлдами? Умуман, бугунги замон раҳбари қандай бўлиши керак?

Қуйида шу ҳақда мулоҳаза юритиш асносида Янги Ўзбекистон шароитида замонавий раҳбарларга қўйиладиган талаблар ҳақида сўз юритамиз.

Хуллас, бугунги кун раҳбари, аввало, шахсий салоҳиятини тўғри баҳолай олиб, олдига қўйилган вазифаларни бажаришда қатор мезон ва талабларга қатъий амал қилиши зарур. Булар нималардан иборат?

**Биринчи талаб:** *раҳбар, аввалам-бор, шахс сифатида ўзини англаши ва раҳбарлик жараёнига мунтазам ҳозирлик кўриши керак.* Бунда ҳар бир раҳбар профессионал билими ва амалий тажрибаси, ҳаётий салоҳиятини мужассамлаштира олиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

**Иккинчи талаб:** *ўз ҳаётий ҳолати, билим ва тажриба имкониятларини объектив тарзда англаб етиш.* Ҳар бир раҳбар шахс сифатида ўзига маълум хусусиятларини, нимага қодир эканидан келиб чиққан ҳолда, ҳаётий ва профессионал орзу-мақсадлари билан уйғунлаштирсагина, истиқболини аниқ белгилай олади.

Агар ёш йигит ёки қиз мактабда ўқиб юрган даврида ўзининг кучли ва ожиз томонларини аниқ белгилаб олган бўлса, шу ҳолатидан келиб чиқиб, бўлажак меҳнат фаолиятини режалаштиради ва унга реал ҳамда танқидий нуқтаи назардан ёндашиб, омадга эришиб бориши мумкин.



**РАҲБАР ЎЗ ИШИГА ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТДАН ДОИМ ТАЙЁР БЎЛИШИ КЕРАК. РАҲБАР НАФАҚАТ ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН, БАЛКИ РЕЖАДАН ТАШҚАРИ БЕЛГИЛАНГАН ИШГА ҲАМ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЙЁР ТУРИШИ ШАРТ.**

**Учинчи талаб:** *ҳаётий мақсадларини аниқ белгилаб олиш имкони.* Бу онгли равишда ўзида мужассам бўлган индивидуал қадриятларни инобатга олиб, ҳаётининг мақсадли ҳаракатларига интилишини ифода этади. Уларга интилиш жараёнида моҳияти ва маъносидан, маълум ва номаълум ички эҳтиёжи, интилишлари ҳамда манфаатидан келиб чиқиб шакллантириб боради.

**Тўртинчи талаб:** *ишончли қарорга келиш.* Албатта, ҳар бир раҳбар ишончли қарорга келишдан олдин устувор ва биринчи навбатда қилинадиган ишини ҳамда ўз олдига қўйган ташкилий тадбирларни аниқ белгилаб олиши зарур. Ишончли қарорга келишдан аввал раҳбар ўз олдига қўйган устувор вазифаларни мантиқан муҳимлигига қараб қабул қилиши керак. Бунда масаланинг нафақат муҳимлиги, уларни ижро этиш муддати, оқибати, айниқса, ўзаро боғлиқлиги, оғир ёки енгиллиги ҳам ҳисобга олиниши шарт.

**Бешинчи талаб:** *карьерасини аниқ талаб ва муддатларга мувофиқ режалаштириш.* Ҳар бир раҳбар индивидуал ҳаётий ва профессионал маҳорати ўсиш мақсадларига эришиш учун аниқ “карьера ўсиши”ни режалаштириб олиши зарур. Бунда аниқ мақсадлар ва улар билан боғлиқ масалалар, жумладан, муддатлари ҳам белгилаб олиниши мақсадга мувофиқ.

**Олтинчи талаб:** *шахсий ва ўзаро ташкилий талабчанликни мустаҳкамлаб бориш.* Бу талабнинг моҳияти бошқарув билан банд бўлган раҳбар жамоада белгиланган тартиб-интизом шароитида яшаш ва ишлай олишга сабр билан ҳаракат қилишида намоён бўлади.

**Еттинчи талаб:** *раҳбарлик қилаётган шахс меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли ва муносиб тизимини йўлга қўйиши керак.* Раҳбар жамоавий меҳнатни мукаммал ташкиллаштиришда (меҳнат миқдори ва сифат даражасини тақсимлашда, лавозим вазифаларини аниқ белгилаб, тасдиқлаш ва мунтазам баҳолаб бориш жараёнида) адолат мезонларига қатъий амал қилиши, ходимлар меҳнатини муносиб рағбатлантира олиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Акс ҳолда, жамоада тарқоқлик ва ўзибўларчилик кайфияти ҳукм сура бошлайди.

**Саккизинчи талаб:** *ҳар бир дақиқани қадрлаш, ўзининг ва ходимларнинг вақтини самарали, аниқ мақсадли сарф қилиш, сарфланган вақт харажатларини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш.*

*Вақтни назорат қилиш.* Меҳнат фаолиятини бошқараётган раҳбарни иш ҳажми эмас, балки вақт чегаралаб боради. Раҳбар вақт жуда кўп орзу ва имконларни чегаралаб бораётганини теран ҳис қила олиши, шу боис, вақтни тежаши, ундан имкон қадар самарали фойдаланиши керак.

Барча ташкилот ва идораларда ходимларнинг вақт бюджетини режалаштираётганда қатор қоидаларга эътибор қаратиш зарур. Булар сирасига топшириқни бажариш учун режалаштирилган вақтнинг қанчалик самарали сарфланишига, ходим меҳнат фаолияти натижасини таҳлил этишда ва баҳолашда, аввалабор, унинг вақт харажатларига эътибор қаратиш керак бўлади. Шунингдек, иш вақтида бесамар мажлислар ўтказиш, шахсий меҳмонлар ташрифи ёки иш вақтида халақит берадиган одамлар билан чалғимаслик, тезкор топшириқларни кечиктирмасдан, белгиланган муддатда, муҳим ишларни эртага ёки ишдан кейинга қолдирмай, зудлик билан бажариш мақсадга мувофиқ.

**Тўққизинчи талаб:** *раҳбар фикри ва эътиборини ечимини кутаётган асосий муаммога қаратиш.* Юқори малакали, тажрибали раҳбар мавжуд муаммоларнинг фарқига бориши ва ўша заҳоти тезкор, самарали натижа берувчи ечимларни топиши керак.

**Ўнинчи талаб:** *барча ишларини бафуржа, бир бошдан ижро этиш қобилиятига эга бўлиши шарт.* Мабодо бирор иш олдиндан режалаштириб қўйилган бўлса, уни тугатмасдан туриб бошқасига ўтиш ёки тезкор бўламан, деб топшириқни сифатсиз бажариш раҳмат ўрнига адолатли жазо олишга сабаб бўлади. Шу боис, топшириқларни шошмасдан, сифатли бажарган маъқул.

**Ўн биринчи талаб:** *вазифани бажаришда энг кичик, арзимас деталларгача эътибор қаратиши керак.* Айрим раҳбарлар ўз олдига қўйилган вазифани бажаришда элементар жиҳатларга эътиборсиз қарайди. Афсуски, бундай холат барибир фош бўлади, охир-оқибат иш сифатсиз бажарилгани кўриниб қолади.

**Ўн иккинчи талаб:** *раҳбар ўз ишига психологик жиҳатдан доим тайёр бўлиши керак.* Раҳбар нафақат фаолияти давомида режалаштирилган, балки режадан ташқари белгиланган ишга ҳам психологик жиҳатдан тайёр туриши шарт. Шунда у чинакам малакали мутахассис сифатида обрў-эътибор ва ҳурмат қозонади.



**РАҲБАРЛИК ҚИЛАЁТГАН ШАХС МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ АДОЛАТЛИ ВА МУНОСИБ ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШИ КЕРАК. РАҲБАР ЖАМОАВИЙ МЕҲНАТНИ МУКАММАЛ ТАШКИЛЛАШТИРИШДА (МЕҲНАТ МИҚДОРИ ВА СИФАТ ДАРАЖАСИНИ ТАҚСИМЛАШДА, ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИНИ АНИҚ БЕЛГИЛАБ, ТАСДИҚЛАШ ВА МУНТАЗАМ БАҲОЛАБ БОРИШ ЖАРАЁНИДА) АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШИ, ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРА ОЛИШ ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА БЎЛИШИ ЗАРУР. АКС ҲОЛДА, ЖАМОАДА ТАРҚОҚЛИК ВА ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК КАЙФИЯТИ ҲУКМ СУРА БОШЛАЙДИ.**

**Ўн учинчи талаб:** *ҳаётий фаолиятини ҳам мунтазам назорат қилиб бориши зарур.* Бундан мақсад раҳбар ўзининг бошқарув жараёнидаги натижадорлигини мунтазам таҳлил қилиб бориши билан боғлиқ. Қолаверса, жамоада меҳнат қилаётган ходим фаолиятини тўғри ва тўлақонли ташкил этиш ҳамда унинг натижадорлигини назорат қилиш ва баҳолай олиш қобилиятига эга бўлишдир.

**Ўн тўртинчи талаб:** *ўз-ўзини назорат қила билиш даражаси.* Раҳбарнинг бу сифат хусусияти кенг ахборот манбаларига эга бўлиши, уларни мунтазам янгилаб бориши, малакали таҳлил ва хулосалар чиқара олишига имкон яратади. Шундагина ижро интизомини назорат қилиш функциясини тўлақонли ишлата олади.

**Ўн бешинчи талаб:** *бошқариш жараёни натижадорлигига эришишни назорат қилиб бориш.* Бошқариш тизими натижадорлиги жамоанинг меҳнат фаолияти самараси ҳисобланади. Бошқарув тизимида ижрога киришишда раҳбар жамоа олдига қўйилган мақсадларни, уларнинг миқдори ва муддатлари чегарасида сифатли ва тўлақонли ижро этилганини таққослаб, хулоса қилишга имкон берадиган омилдир.

**Ўн олтинчи талаб:** *иш куни мобайнидаги назорат.* Раҳбарнинг бу сифати иш вақти давомида ижро этилган барча ишларни алоҳида муолажалар билан (масалан, кунлик ҳисоботлар ёки аудиоёзувлар, баённомалар, мониторинг рақамлари ёрдамида) акс эттириш орқали тўлақонли назорат олиб бориш имконини беради.



**ТЕЛЕФОНДА ГАПЛАШИШНИНГ ҲАМ ЎЗ ОДОБИ ВА ҚОИДАЛАРИ БОРЛИГИНИ УНУТМАСЛИК КЕРАК. МАСАЛАН, ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ХОНАЛАРИДА, МАЖЛИС ВА ЙИҒИЛИШ ВАҚТИДА ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҚАТЪИЙ РЕГЛАМЕНТИ ЎРНАТИЛИШИ КЕРАК. ИШ ВАҚТИДА ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ФАҚАТ ХИЗМАТ МАВЗУСИДА ГАПЛАШИШ ҚОИДАСИ БЕЛГИЛАНИШИ МУМКИН.**

**Ўн еттинчи талаб:** *жамоада шахсий обрў-эътибор ва имижини сақлаш.* Раҳбар жамоа олдида профессионал фаолиятини кўрсата олиши, зиммасидаги вазифаларни сифатли ва тўлақонли ташкил этиб, раҳбарлик ижросини юқори маҳорат билан бажариши унинг жамоа олдида шахс ва мутахассис сифатидаги обрўсини кўтаради. Бу раҳбарнинг имижи ҳамда салоҳиятини ошириш билан бирга, уни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

**Ўн саккизинчи талаб:** *шахсий интизом талабларига риоя қилиш.* Раҳбарнинг талабчанлиги, жамоага берган ваъдалари устидан чиқиши юксак профессионал маҳоратини исботловчи олий хусусиятлардан. Унинг бу сифати масъулият ҳисси, ўзини ўзи ҳурмат қилиш, виждон ва эътиқодини сақлаб қолганидан далолат беради.

Шу ўринда улуғ алломаларнинг айрим ҳаётий тавсияларини эслаб ўтиш ўринлидир. Жумладан, улар янги ишга қўл уришдан олдин эскисини тўлиқ охирига етказишни, бунда масъулият туйғусини сусайтирмасдан ишга киришишни, бирор вазифани ижро этишда шахсий манфаатни аралаштирмасликни тавсия қилади.

**Ўн тўққизинчи талаб:** *режалаштирилган ишларни тезкор ижро этиш техникасини доим ёдда тутиш.*

Бу талаб моҳияти бўйича раҳбар ишни ташкил этишда ҳозирги замон ахборот технологияларини қўллаган ҳолда муайян қоида ва тартиблардан фойдаланиши тақозо этилади.

Бунда, айтайлик, хизмат хонаси ва иш столини саришта сақлаш, амалдаги ҳужжатлар айланишини ягона тартибга солиш, кунлик иш режани аниқ белгилаб олиш каби жиҳатлар муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, бу борада раҳбар амал қилиши жоиз бўлган қатор талаблар мавжуд. Жумладан, телефонда гаплашишнинг ҳам ўз одоби ва қоидалари борлигини унутмаслик керак. Масалан, давлат идоралари хоналарида, мажлис ва йиғилиш вақтида телефондан фойдаланишнинг қатъий регламенти ўрнатилиши керак. Иш вақтида телефон орқали фақат хизмат мавзусида гаплашиш қоидаси белгиланиши мумкин.

Ходим ва ҳамкорларни тинглай билиш этикаси ҳам ғоят муҳимдир. Бу талаб давлат идоралари ва ишбилармонлик соҳасида энг муҳим фазилатлардан бири. Ҳар бир топшириқ ёки ташкилий тадбирни диққат билан тинглаб, моҳият ва мақсад аниқ англаб олинса, ижро 80 фоиз ҳолатда белгиланган муддатда якунланишига замин яратилади.

Раҳбар жамоада меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини билиши зарур. Чунки фаолият унумдорлигини ошириш, асосан, раҳбар зиммасидаги вазифа саналади.

Ҳозирги замон талаби кенг оммани ислоҳотлар мазмун-моҳияти, шу жумладан, бошқарув тизимидаги янгиликлардан хабардор қилиб боришдир. Бу борада оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш яхши самара беради.

Коммуникатив раҳбар — ҳар бир ходим ёки жамоа билан тил топишиб, эркин мулоқотга киришиб кетадиган одам. Ушбу хусусиятларга эга раҳбар хоҳлаган суҳбатдошини фикрига ишонтирадиган қобилиятга эга бўлиб, ишбилармонлар билан музокара олиб бора оладиган инсон ҳисобланади.

Янги раҳбардан мутахассислиги бўйича чуқур билим, бой психологик тажриба, соҳа ва жамоанинг ҳолати, ташкилот ёки соҳанинг яқин ва узоқ истиқболи, бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳақида билиш талаб қилинади.

Жамоада кўп йиллар шаклланиб, амал қилаётган анъаналар, одат тусига кирган муносабатларни ўрганиш, узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган фахрийлар билан учрашув ва мулоқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, янги раҳбар жамоа билан олдинда турган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш чораларини муҳокама қилиб, маслаҳатлашиб олиши зарур.

**Йигирманчи талаб: соғлиқни сақлаш зарурати. Бу бошқарув тизимида ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки соғлом раҳбар ва соғлом кадрлар ислоҳотлар самарадорлигини таъминловчи асосий кучдир.**

Инсон танасидаги мушаклар организмнинг 44 фоизини ташкил этади. Мушакларнинг ўта пассив фаолияти организм функцияларини, биринчи навбатда, юрак-қон томир тизимини ишдан чиқаради. Бугунги шароитда барча бошқарув бўғинларидаги раҳбарларнинг асосий душмани гиподинамия ҳисобланади. Бу камҳаракатлик, пиёда юрмаслик, ўз вақтида ва тартиб билан овқатланмаслик, зарарли одатларга ружу қўйиш оқибатида келиб чиқади. Бунинг устига, раҳбар кўп асабийлашиб юриши ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай шароитда раҳбар, ҳеч бўлмаса, хизмат хонасида ёки спорт залида жисмоний машқлар билан шуғулланиб туриши, пиёда юриши, югуриши организмнинг вегетатив функцияларини тиклайди ва иммун ҳолатини мустаҳкамлайди.

Ўз вақтида тўғри овқатланиш ва меъёрида ухлаш ҳам саломатлик учун ғоят муҳим эканини унутмаслик керак. Айрим раҳбарларимиз бу қоидаларга амал қилмайди. Бу билан нафақат ўзига, балки жамоадаги ишчанлик муҳитига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Асаб тизимини чиниқтириб бориш кишининг ўз организмини оғир ва доимий босимдан хотиржам сақлай олиш, иш жараёнида бўладиган асаббузарлик ҳолатларини сабр-тоқат билан қабул қилишга замин ҳозирлайди.

Вақти-вақти билан асабларга дам бериб туриш керак. Бунинг учун жамоавий спорт тадбирлари, саёҳатлар уюштириш яхши самара беради. Яъни раҳбар жамоада самарали иш жараёни ҳамда мақсадли дам олишни мунтазам равишда мувофиқлаштириб бориши фойдадан холи бўлмайди.

Раҳбар оддий ходимдан нимаси билан фарқ қилади? Агар оддий ходим диққат-эътиборини фақат ўзига юкланган вазифани ижро этишга қаратса, раҳбар нафақат жамоа тақдирига, балки ҳар бир ходим иш фаолияти, соғлиғи ва иш вақтидаги хавфсизлиги, меҳнат шароитига, қолаверса, жамоанинг молиявий ҳолатига, иш ҳақи миқдорига жавобгарлиги билан ажралиб туради. Шундай экан, оддий ишчи белгиланган иш вақти тугаганидан кейин уйига бориб, дам олаётган бир пайтда раҳбар жамоанинг эртанги куни ва истиқболдаги муҳим фаолиятини ўйлайди. Шу боис, раҳбарнинг меҳнат фаолиятини аниқ бир норма билан чегаралаб бўлмаслиги таъкидланади.

Лекин бу раҳбарнинг меҳнат фаолиятини аниқ регламентга тушириб бўлмайди, дегани эмас. Чунки фақатгина малакали раҳбар жамоадаги юзлаб, минглаб ходимлар иш самарадорлигига бевосита ижобий таъсир қила олади.

* * *

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон шароитида барча соҳа ва бошқарув тизимида иш моҳиятини англаб, чуқур фикрлайдиган янги авлод вакиллари етишиб чиқмоқда. Улар маҳаллаларга бориб, халқ билан очиқ мулоқот қилмоқда, ташаббус кўрсатмоқда.

Ҳозирги давр раҳбарларининг аксарияти энди юқори идоралардан кўрсатма кутиб ўтирмасдан, мустақил ва дадил иш олиб боришга киришмоқда. Шунинг учун бошқарув тизимидаги юқорида келтириб ўтилган асосий талабларни максимал даражада ижро этиш ҳар бир раҳбарнинг жамият олдидаги, давлат олдидаги юксак ва шарафли бурчи ҳамда халқимиз фаровонлигини янада ошириш борасидаги маъсулияти ҳисобланади.

Бу эса Президентимизнинг “**Менинг асосий талабим — одамларни тушуниш, уларнинг қувончу ташвишлари билан яшаш, ён-атрофдаги вазиятга оддий халқнинг кўзи билан қараш ва баҳо бериш, эл-улусдан ажралиб қолмаслик керак”,** деган талабига жуда мос келади.

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news



АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

# Дунёга адабиёт керак

## ёхуд байрамга айланган кунлар

**Борлиққа янги нафас, янги ҳаёт улашган кўклам куртаклару ғунчаларда, майса-қиёқларда бўй ва ранг намоён этган кунлар... Қуёшли Ўзбекистонимизда қадимий ва навқирон Наврўзни эл-юртимиз катта тантана билан кенг нишонлаган кунлар... Худди шу кунларда ҳали юпун қиш ёпинчиғини ташламаган Беларус заминида ўтган Ўзбекистон адабиёти кунлари ўзига хос адабиёт, улкан дўстлик байрамига айланиб кетди. Худди шу кунларда Минскда Ўзбекистон ва Беларус Республикаси ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларининг ўттиз йиллигига бағишланган тадбирлар ҳамда XXX Минск халқаро китоб кўргазмаси ўтаётган эди.**



**Салим АШУР,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

Минск шаҳридаги халқаро аэропортда бизни — Тошкентдан борган шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олим, ношир ва матбаачиларни Ўзбекистоннинг Беларусдаги элчихонаси вакиллари ва Беларус Ёзувчилар уюшмаси раиси Александр Карлюкевич эски дўстларни соғинган каби очиқ чеҳра, очиқ қалб билан кутиб олди.

Халқаро аэропорт Минск шаҳридан қирқ чақирим йироқ. Йироқлиги сезилмайди. Йўл равон. Йўлнинг икки чети ўрмон. Йўл-йўлакай Александр Карлюкевич ўзбек адабиёти кунларига тайёргарлик ҳақида, ўтган 2022 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистонда бўлгани, ўзбек адибларидан дўстлар орттиргани ҳақида гапиради. Айниқса, Тошкент мавзусида гапирганда оғзидан бол томади:

— Беларусда Ўзбекистон адабиёти кунлари ўтказилиши тарихий воқеа. Бу халқларимизнинг маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Адибларимизни, адабиётларимизни, шу орқали одамларни бир-бирига яқинлаштиради. Оддий одамлар ўртасида борди-келдини кучайтиради. Янги давр ва янги шароитларда мамлакатларимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида амалий алоқалар мустаҳкамланиши — буларнинг барчасига давлатларимиз раҳбарларининг қатъий иродаси туфайли эришилмоқда. Ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олим ва таржимонларнинг ижодий ҳамкорлиги адабиёт ва маданиятларнинг, мазкур соҳада ўзаро муносабатларнинг мутаносиб ва уйғун ривожланиши таъминланади.

Карлюкевичнинг мулоҳазалари ўринли. Адиблар — адабиётларни, адабиётлар — маданиятларни, маданиятлар — халқларни, халқлар — юртларни яқинлаштиради. Адабиёт олисларни яқин қилади. 2022 йили Ўзбекистон ва Беларус Ёзувчилар уюшмалари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланиши адабий алоқалар уфқларини янада кенгайтиргани шу фикрнинг яққол исботидир.

Машинада Александр Карлюкевич ҳар биримизга биттадан газета узатди:

— "Адабиёт ва санъат" ("Литература и мастацтва") газетасининг янги сонини кўринглар.

Беларус Ёзувчилар уюшмаси муассислигида 1932 йилдан буён чоп этиладиган ижодкор зиёлиларнинг ҳафтада бир марта чиқадиган беларус тилидаги нашрининг махсус сони ўзбек адабиётига бағишланган экан.

* * *

Беларус адабиёти тарихи давлат музейи Минск шаҳрида жойлашган. У мамлакатдаги энг катта музейлардан бири. Заллари айланиб, музей фаолияти билан танишар эканмиз, мазкур масканда беларус адабиёти тарихига оид нодир қўлёзмалар, эски босма китоблар, адиблар қўлёзмалари, бадиий китобларга рассомлар томонидан ишланган расмлар, шоир-ёзувчи ва адабиётшунос олимларнинг шахсий буюмлари сақланаётганига гувоҳ бўламиз.

— Республика бўйлаб турли ҳудудларда тўққизта филиали мавжуд бўлган музейимиз 1991 йилдан буён фаолият юритади, — дейди музей директори Сергей Иванович Осик.

Музей залларида ўзбек адабиётига оид китоблар ва бошқа тарихий ашё-буюмларни кўрар экансиз, ўзбекнинг эзгу сўзи дунёнинг узоқ-узоқ ўлкаларига ҳам етиб боргани ва чексиз қадр топганидан ҳайратингиз ошади. Адабиётимиз асарлари бошқа халқлар томонидан ҳам севиб мутолаа қилинаётгани, асраб-авайланаётганига гувоҳ бўласиз. Ўзбек шоир-ёзувчиларининг беларус тилида чоп этилган китобларини, беларус газета-журналларидаги чиқишлари акс этган матбуот нашрларини кўриб, ич-ичдан ғурур туясиз. Фотосуратларга муҳрланган уларнинг қуёшли сиймоси узоқдан эмас, яқиндан, ёнгинангиздан қараб тургандек бўлади. Бу ерда Ўзбекистоннинг бир парчаси сизга кулиб қараб туради.

Яна бир махсус стенд ўзбек шоири Султон Жўрага бағишланган. Унда машҳур шоирнинг ўтган асрда чоп этилган "Кимнинг хати чиройли", "Ёмғирдан сўнг", "Очиқ чеҳралар" ва бошқа китоблари, фотосуратлари ўрин олган. Бу ердаги маълумотларга кўра, Султон Жўра болалар учун талайгина асарлар яратган. "Ҳарфлар паради", "Тиниш белгиларининг мажлиси", "Ёлғончи", "Чўнтак", "Ой нечта", "Соғинчли салом" каби асарлари болалар адабиётининг энг яхши намуналаридан ҳисобланади.

Султон Жўра Иккинчи жаҳон уруши фронтида 1943 йилнинг 10 ноябрида, 33 ёшида Беларусда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Гомель шаҳри, Лоев тумани, Козероги қишлоғида дафн этилган.

"Литература и мастацтва" газетаси бош муҳаррири Алексей Иванович Черота ёнимга келиб:

— Ўзбек халқининг улуғ шоири Султон Жўра бебаҳо ижоди, беларус халқини ҳимоя қилиб, Беларус тупроғида фидойилик кўрсатиб, тинчлик йўлида жонини қурбон қилгани билан мангуликка дахлдор, — дейди.

Менимча, бу гап Султон Жўранинг ўзига ҳам етиб борди.

Уруш даҳшати нима эканини бу ерда жуда яхши билишади. Беларус халқи уруш изтироби ва оғриғини бутун вужудида ҳис қилиб кўрган ва уни ҳеч қачон унутмайди, унутолмайди. Зеро, уруш хотираси тинчлик учун хизмат қилади. Шу боис, минг-минглаб ўз фарзандлари каби ўзбекнинг шоир ўғлони Султон Жўрани ҳам унутмайди, унинг ёдини доим эъзозлайди.

Шу стендга деразадан қуёш нури тушиб турибди. Бу қуёш Ўзбекистонни кезиб, жувонмарг кетган шоирга ўзбекона салом олиб келаётган бўлса, ажабмас.

Музейда ўзбек шоир ва ёзувчилари асарларининг беларус тилига қилинган таржимасига бағишланган адабий тадбир бўлиб ўтди. Унда шоир ва ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари, адабиёт ихлосмандлари, шеърият мухлислари иштирок этди. Шоир ва таржимон Виктор Шнип ўзбек адабиёти намуналарининг беларус тилига таржимаси, таржиманинг нозик сир-синоатлари ҳақида гапирди.

Таниқли шоир, музей ходими Михаил Барановский ўзбек адабиётининг чин мухлиси. У ўтган йилларда ўзбек адибларининг беларус тилида чоп этилган китобларини тўплаган. Шу китоблардан бир нечтасини кўрсатиб, китоблар ва муаллифлар ҳақида, асарларнинг мазмун-ғояси тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён этди.

Минскда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар ҳам ушбу тадбирга жалб этилган. Улар ва маҳаллий талабалар томонидан Алишер Навоий, Чўлпон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов шеърлари ёддан ўқилганда адабиётимиз нақадар кучли ва бақувват эканини яна бир карра дилдан ҳис қилдик. Зеро, ҳар қандай бадиий асарнинг бўй-басти, салмоғию залвори у бошқа халқларнинг адабиёти намуналари билан ёнма-ён қиёсланганда аён бўлади.

Адабиёт тарихи бу — фикр, ҳис-туйғу, хотира ва соғинч тарихи. Адабиёт музейи фикр, туйғу, хотира, соғинч музейи ҳамдир. Кимдир булар йўқ нарсалар, дейиши мумкин. Йўқ, улар чиндан ҳам бор!

* * *

Беларус давлат университетида ўтган "Ёзувчи ва замон" мавзусидаги халқаро симпозиум адабиёт кунларининг муҳим воқеаларидан бўлди. Мунозараларда Ўзбекистондан Ёзувчилар уюшмаси ходими, шоир ва таржимон Николай Ильин иштирок этди. Унинг фикр-мулоҳазалари илмий ва мантиқий жиҳатдан чуқур асосланган бўлгани билан иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Симпозиум тугаганидан кейин ҳам Ильинга мурожаат қилиб, мавзуга оид фикрлари билан қизиққанлар кўп бўлди.

Симпозиум ишида давр ва адабиёт билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинди. Биров у, биров бу деди. Ҳатто бир-бирига зид фикрлар билдирилди. Бу зидлик манфаатлар ва қарашлар, нуқтаи назарларнинг ҳар хиллиги туфайли эди. Сўзга чиққанларни кузатиб, тинглаб ўтирар эканмиз, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йили 13 март куни Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида айтган фикрлари хаёлимдан ўтди: "Замон жуда мураккаб, ҳозир катта-катта давлатлар Ўзбекистон, сен ким томондасан, деяпти. Нейтрал бўлиб юришинг бўлди энди, ё у томонга, ёки бу томонга ўтгин... Қаттиқ-қаттиқ айтиб, вакиллари ҳам келиб, ўзлари ҳам шунга даъват қиляпти. Ўзбекистон аҳолиси 36 миллион бўлди, уч-тўрт йилда 40 миллион бўлади, катта давлат бўлади, ким томонсан, деяпти. Қани, бундай оғир саволга қандай жавоб бериш керак?!. Жавобим битта: миллатим, халқим томондаман, буюк Ўзбекистонимнинг манфаати учун ўлишга ҳам тайёрман, деб жавоб бераман".

Ён-атрофга қаранг, бугун дунё шиддат билан ўзгармоқда. Тўхтовсиз янгиланиб бормоқда. Гарчи, адабиётнинг туб моҳияти ўзгармаса-да, давр адабиёт ҳақидаги замондошларимизнинг қарашларига ислоҳ киритмоқда. Миллий тафаккур, бадиий дид янгиланмоқда... Лекин адабиёт бу янгиланишлар олдида қарздор бўлиб қолмаслиги керак. Чунки адабиёт ҳамиша эзгуликни, гўзалликни яратади. Эркинлик, шахс дахлсизлиги, ҳақиқат принципларидан чекинмаслик — Адабиёт амал қиладиган мезонлардир.

Ёзувчи замондан, жамиятдан айро ҳолда алоҳида ижод қилолмайди. Бугунги кун қандай сўраса, адиблар шундай ёзади. Бугунги кун нимани сўраса, адиблар шуни ёзади. Буларнинг айрим энг муҳимлари: Оила қадриятлари; Болалик муаммоси; Китобхонлик муаммоси; Ёлғон ёзмаслик.

Оила барча жамиятларнинг асосидир. Табиат эркакни — ота, аёлни — она қилиб яратган. Ота-онадан фарзандлар — ўғил-қиз дунёга келади. Улар ака, ука, опа, сингил бўладилар. Шу тарзда инсоният жуда узун йўлни босиб ўтди. Ва яна жуда узун йўлни шу тарзда босиб ўтади.

Оила анъаналарининг емирилиши, узоқ-яқин ўлкаларда яшаётган баъзи бир кишилар кутгандек, янги маданиятни юзага келтиради, деб ўйламаймиз, аксинча, жамиятнинг асоси бўлган маънавиятни, маърифатни, шу орқали жамиятни емиради. Адабиёт, албатта, бунга қарши туради.

Тараққиёт, айниқса, ривожланган шаҳарларда, илғор мамлакатларда бутун-бутун авлодларнинг болалигини "ўғирлаб олмоқда". Бугунги болалар ва ўсмирлар авлодининг ҳаёти виртуал олам ичида кечмоқда. Виртуал олам ёш ўсмир наслни болаликдан маҳрум этмоқда.




Кундан-кунга табиатдан тобора узилиб, ҳаётида табиат тобора камайиб бораётган болалар ва ўсмирлар авлоди ҳаётидаги кемтикни адабиётгина тўлдириши мумкин. Шундагина болалар ва ўсмирлар табиатида, руҳиятида бўшлиқ пайдо бўлишининг олди олинади.

Дунё миқёсида оммавий коммуникация воситалари ривожлангани сари болалар ва ўсмирларнинг қизиқиши бадиий адабиётдан узилиб бораётганини кузатиш мумкин. Улар бадиий адабиётни қоғозли китоб шаклида мутолаа қилсалар, жуда яхши. Агар бундай бўлмаса, яъни электрон китобларни ўқиб, бадиий асарлардан баҳраманд бўлсалар ҳам, майли. Энг муҳими, умуминсоний ва миллий қадриятлар билан тўйинган, неча асрлардан буён инсониятни тарбиялаб келган бадиий адабиётдан ва унинг қалбларни, эътиқодларни тарбияловчи ёруғ таъсиридан узилиб қолмасинлар.

Адабиётнинг ёлғон ёзмаслик керак, деган қоидаси ҳозирги даврда янаям ўткирроқ тарзда намоён бўлмоқда. Давримиз, замонимиз минг марта, миллион марта ўз тасдиғини топган ушбу қоидани бугунги адабиёт, бугунги адиблар яна бир марта тасдиқлаб беришларини талаб этмоқда.

Халқаро симпозиумдаги баҳс-мунозаралар шу каби мулоҳазалар атрофида бўлди.

* * *

Минск шаҳрида, Мустақиллик проспектига ёндош манзилда юксак осмонларга интилган баланд дарахтлар қуршовида сокин бир гўша бор. У — Якуб Колас номидаги адабиёт-мемориал музейи.

Якуб Колас беларуснинг классик шоири, драматург, таржимон, жамоат арбоби. Янги беларус адабиётининг асосчиси саналади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида шоир Минскдан Шарққа эвакуация қилинади. 1941-1943 йилларда Тошкентда яшайди. Ойбек, Миртемир, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Уйғун, Шуҳрат, Рамз Бобожон билан яқин муносабатда бўлади. Улар билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлиб фашистларни тор-мор этишга ундовчи шеърлар ёзади. Радиода янги шеърларини ўқийди, оташин нутқлар қилади. Унинг халқлар дўстлиги, одамийлик каби инсоний фазилатлар тараннум этилган "Чимён", "Солор", "Ўзбекистон" ва бошқа кўпгина шеърларида ўзбек заминига, ўзбек халқига чуқур эҳтиром акс этган. 1942 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда машҳур шоирнинг 60 йиллик юбилейи нишонланади. Эътиборли жиҳати, бу ерда шоирнинг Тошкентда яшаган йиллари ижоди ва ҳаётининг алоҳида даври сифатида тақдим этилган.

Уй-музей ходими, шоирнинг эвараси Василина Мицкевичнинг айтишича, Якуб Колас Тошкентда яшаган пайтида "Менинг қалбим Беларусда қолган" деб ўртаниб ёзган. Беларус озод этилиб, Минскка қайтгач эса ўз мақолаларида соғинч билан "Менинг қалбим қуёшли Ўзбекистонда, урушдан азият чеккан менга ўхшаган минглаб одамларга кенг бағрини очган, меҳр-мурувват кўрсатган Тошкентда қолди" деб ёзади. Шоирнинг Ўзбекистон ва ўзбек халқи билан боғлиқ хотираларини сўзлар экан, Василинанинг кўзлари ёшланди:

— Бу ер сиз, ўзбек шоирларининг ўз уйингиз, ҳар бир ўзбекнинг ўз уйи, — дейди у юз-кўзи нурланиб.

Бир нарса кишига бошқача таъсир қилади: уй-музейда Беларус халқ шоири Якуб Колас яшаган давр ва муҳит айнан сақланган. Ўша замон руҳи, ўша йиллар манзараси яратилган. Жиҳозлар, буюм ва ашёлар ўша пайтда қандай турган бўлса, ҳозир ҳам шундай. Биз ҳам ўтган асрга, ўша даврга кириб қолгандек бўлдик.

Экскурсия якунида уй-музей меҳмонхонасида давра суҳбати уюштирилди. Суҳбат ғоятда самимий ўтди. Беларус тилида Якуб Колас шеърлари янграли. Шеърларни шоирнинг фарзандлари, набиралари, эваралари ўқиди. Ижодий гуруҳимиз аъзоси, таниқли шоир Сирожиддин Рауф Якуб Коласнинг ўзбек тилига ўзи ўгирган таржималарини ўқиди. Бу мезбон томонда, шоирнинг яқин қариндошларида чуқур таассурот уйғотди.

Василина Мицкевич Якуб Коласнинг Ўзбекистонда кечган ҳаёти, Тошкентдаги ижодий фаолияти ҳақида гапирди:

— Якуб Колас оиласи Тошкентда Ҳамид Олимжон ва Зулфия оиласи билан қўшни яшаган. Икки оила ўзаро жуда яхши муносабатда бўлган. Сулоламиздаги ёши улуғларнинг сўзларига қараганда, Якуб Колас оиласи Тошкентдан Минскка қайтиши олдидан Ҳамид Олимжон ва Зулфия уйида меҳмон бўлиб, эътиборга сазовор жойларда фотосуратларга тушган. Якуб Колас оғир уруш йилларида республика радиосида кўп чиқишлар қилганини биламиз. Эҳтимол, ўша суратлар Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг авлодларида, Республика радиоси архивида эса Якуб Коласнинг овози ёзилган тасмалар сақлангандир? Мабодо, кимларнингдир шахсий архивларида, эсдалик альбомларда сақланаётган янги фотосуратлар, овоз ёзилган тасмалар топилса, биз бажонидил улардан нусхалар олган бўлар эдик.

Ижодий гуруҳимиз Якуб Колас уй-музейига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр этилган китобларни совға қилди.

Хайрлашар чоғида Василина эски қадрдонлари билан хайрлашаётган каби кўз ёшларини тийиб туролмади. Биз ҳам... Чунки бу ерда ўзбек ҳақида, Ўзбекистон ҳақида ҳар бир миллатдошимизнинг қалбини ҳаяжонга соладиган соғинчлар, самимий раҳматлар изҳор этилар эди.

Якуб Коласнинг катта оиласи аъзолари — фарзандлари, набиралари, эваралари биз узоқлаб кетгунимизгача ортимиздан қўл силтаб туришди.




* * *

Минск шаҳридаги Янка Купала номидаги марказий кутубхонада бўлиб ўтган ўзбек шеърияти кечасида Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломнинг 120 йиллиги тантанали нишонланди. Кутубхона залида ўзбек тилидаги китоблар кўргазмаси ташкил этилган. Кўргазмада юртимизда чоп этилган газета-журнал, китоб ва расмли альбомлар тартиб билан териб қўйилган. Анжуманнинг ҳар бир иштирокчиси уларни бемалол қўлга олиб, варақлаб кўриши, ўтириб ўқиши мумкин.

Адабиёт кечасида ўзбек ва беларус тилларида шеърлар янграли, қўшиқлар ижро этилди. Кеча ниҳоятда самимий ўтди. Таниқли эстрада, театр ва кино актрисаси Ольга Богушинская, Беларус Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Валентина Дробишевская Ғафур Ғулом шеърларини беларус тилида ўқиди. Шеърларни шоир ва таржимон, Беларус Ёзувчилар уюшмасининг Минск шаҳар бўлими раҳбари Михаил Поздников таржима қилган. Тадбирда Беларус давлат педагогика университети декани ўринбосари, адабиётшунос олим Ирина Буторина, Беларус Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва таржимон Инна Фролова сўз олиб, ўзбек адабиёти, хусусан, Ғафур Ғулом ижоди ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Айниқса, Ольга Богушинская Ғафур Ғуломнинг Константин Симонов рус тилига таржима қилган "Сен етим эмассан", шоира Валентина Дробишевская "Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим" шеърларини ўқиганда катта зал бир вужуд бўлиб тинглади.

— Ўзбекистоннинг бадиий сўзи, шубҳасиз, дунё маънавий хазинасига улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Неча асрлардан буён дунё халқлари, жумладан, биз — беларуслар шу улкан маънавий уммондан баҳраманд бўлмоқдамиз, — деди Михаил Поздников.

— Бугунги ёркин адабий анжуман биз — иштирокчиларга тарихи ва бугуни буюк ўзбек адабиёти билан яқиндан танишиш учун имкон яратганидан мамнунмиз, — дейди Инна Фролова.

Шундай пайтларда адабиёт дилни дилга, элни элга боғлайдиган олтин кўприк эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

"Минск созлари" миллий куй ва қўшиқлар ансамбли ўз чиқишлари билан файзли кечага қувноқ руҳ бағишлаб турди.

* * *

Хатинь — Беларуснинг катта, ҳеч қачон битмайдиган жароҳати. У пойтахтдан эллик чақирим нарида. Иккинчи жаҳон уруши пайтида фашистлар Хатинь қишлоғи одамларини битта қолдирмай ёқиб юборган. Катта пичанхонага ёш-қари, хотин-қиз, гўдаклару болаларгача қамаб, ўт қўйиб юборишган. Бир амаллаб қочиб чиққанларни пичанхонани ўраб турган автоматчилар отаверган. Бутун қишлоқ Беларус заминида кенг ёйилган партизанлар ҳаракатига ҳомийлик кўрсатганликда айбланган ва шу қисматга дучор бўлган. Шундай таъқибга қарамасдан бир чол қўлида фарзанди — ўсмир қизи билан пичанхонадан отилиб чиққан. Афсуски, оловда куйган қизи ота қўлида жон беради. Ота таъқибдан амаллаб қутулади. Лекин фашистлар уни бошқа қишлоқда қўлга олган ва отиб ташлаган.

Ёдгорлик мажмуаси марказида ана шу Ота, ана шу Қизга ҳайкал қўйилган. У Ҳазрати Инсон ҳасратига қўйилган ҳайкал. Жуда салобатли, юксак... Кўп нарсалардан баланд. У инсон иродасининг тимсоли. Нигоҳларда акс этган ирода денгизлар, тоғлардан ҳам ўтиб, жудаям узоққа қадалган...

Бугун ўша пайтда култепага айланган Хатинь қишлоғи ўрнида, жуда катта ҳудудда ёдгорлик мажмуаси бунёд этилган. Фашистлар уруш йилларида Беларус заминида 186 та қишлоқни бутунлай ёқиб юборишган. Қишлоқлар ўрнида бир уюм қоп-қора култепа қолган. Ёдгорлик мажмуасида ана шу қишлоқларнинг ҳар бирига рамзий қабр ўрнатилган. Мармар лавҳада хонавайрон қилинган қишлоқнинг номи, ҳалок бўлган одамларнинг сони ёзилган. Ёдгорлик лавҳаларида йигирма, ўттиз мингдан ортиқ рақамларни кўрасиз. Демак, фашистлар бир қишлоқда шунча одамни ёқиб нобуд этишган.

Ён-атрофда, ҳар қадамда кулга айланган тупроқдан сизга нажот истаб қараб турган ёшли кўзларни, ёрдам сўраб чўзилган қўлларни кўргандек бўласиз.

Шу сўзларни қоғозга туширар эканмиз, қоғоз-қалам, қўлларим куйиб ёнаётгандек туюлди. Ёнаётган қишлоқларнинг, шаҳарларнинг олови сизнинг юрагингизни куйдирмаяптими?..

Адиб Қўчқор Норқобил мазкур ёдгорлик мажмуасини қишлоқлар қабристони деб атади. Дарҳақиқат, шундай. Бундай қабристон бошқа яна бирор жойда бормикан?..

Ҳудуддаги баланд устунларга ўрнатилган қўнғироқлар ҳар дақиқада юрак ва мияни тешиб юборгудек бонг уради: "Огоҳ бўлинг, одамлар!"

Бу ердаги ёдгорликларнинг пойидан куну тун гул узилмайди. Гул — замондошларимизнинг фидойи аждодлар хотирасига эҳтироми рамзи. Гул — Тинчлик, Гўзаллик рамзи. Ҳа, дунёда энг гўзал нарса — Тинчлик!

* * *

Уруш яхши-ёмонга ажралмайди. Барча урушлар ёмон. Шунга қарамасдан, Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг ёвуз, энг шафқатсиз уруш дея тан олинган.

Беларус давлат Иккинчи жаҳон уруши тарихи музейидамиз. Минскда шундай музей бор. Уни уруш музейи ҳам дейдилар. Бу ерда Совет Иттифоқи қаҳрамони, ўзбек ўғлони Мамадали Топиболдиевга алоҳида стенд ажратилган. Стендда Топиболдиевга тегишли ҳужжатлар, ҳарбий либослар, шахсий буюмларни кўрасиз. Уруш йилларида Беларус ўрмонларида қўлга тушмас партизан сифатида донг таратган, жафокаш заминни ёвуз босқинчилардан озод этишда мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатган мард ва жасур юртдошимизнинг номи бу узоқ ерларда афсонага айланган. У кўрсатган қаҳрамонликларнинг бир четида биз ҳам бордек сезамиз ўзимизни ва ғурурланамиз. Чунки у бизнинг ватандошимиз, миллатдошимиз! Топиболдиевнинг ёнидан кетгимиз келмайди. Музейга қўйилган шахсий ашё-буюмлари билан эмас, гўёки унинг ўзи билан суратларга тушамиз.

Музейда мактаб ўқувчилари учун очиқ дарслар ўтилмоқда. Эҳ, инсоният шу тинч кунларга етиб келиши учун қандай оғир кунларни бошидан ўтказмади, дейсиз! Миллионлаб одамлар, қанча-қанча навқирон ёшлар нобуд бўлди. Уруш музейларда қолсин. Музейдан ҳеч қачон чиқмасин.

Бунинг учун барча Адабиётлар музейлардан чиқиши керак!

* * *

Беларус Ёзувчилар уюшмасининг тантаналар залида Алишер Навоий ижодига бағишланган "Назм ва наво" кечаси давом этмоқда. Кечани Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, ёзувчи Елена Стельмах ва уюшманинг Минск шаҳар бўлими раҳбари, шоир ва таржимон Михаил Поздников олиб бормоқда. Елена атлас либос, Михаил ўзбек дўпписни кийиб олган. Иккаласи ҳам шу билан ўзбекларга алоҳида яқин эканини кўз-кўзламоқчи.

Беларус давлат университети талабаси Азизбек Нурмаматов Навоий ғазалларини ифодали ўқиганда залга сукунат чўкди. Беларус шоираси Инна Фролова ҳайратини яширолмай шивирлайди:

— Буюк Навоий ғазаллари нақадар мусиқий...

Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ижрочи директори, адабиётшунос Олимжон Давлатов ҳазрат Алишер Навоий ғазалларининг нозик маъно қатламлари ҳақида сўзлар экан, барча жон қулоғи билан тинглайди. Шубҳасиз, бундай пайтда кўпчилик, айниқса, Алишер Навоийни таржимада ўқийдиганлар буюк шоирни қайта кашф этади.

Алишер Навоий ғазалларини шоир Николай Ильин аввал ўзбек, кейин рус тилида ўқиди. Ғазалларни ўзи таржима қилган. Залда мутафаккир шоиримизнинг мухлислари кўп. Буни олқишлаб чалинган қарсаклардан сезиш мушкул эмас. Ғазаллар беларус тилида янграганда бутун беларус халқининг буюк шоиримизга, ўзбек халқига меҳр-муҳаббатини ҳис этамиз.

Шу ерда Беларус Ёзувчилар уюшмасига ҳазрат Алишер Навоийнинг китоблари совға қилинди.

Беларусда ўтган Ўзбекистон адабиёти кунлари чинакамига ўзбек адабиёти байрамига айланди. Бу байрам кейинги пайтларда адабиёт дунёга, инсониятга янада кўпроқ керак бўлаётганини кўрсатади.

Ҳа, дунёга адабиёт керак...

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-446.
11413 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** A2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:10 Топширилди — 00:25

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz